

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:330.518(575.8)

Раббимов Азиз Тошмаматович

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ЭКОНОМЕТРИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТЛАШ**

5A340106 – “Эконометрика”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н.,

доц. А.А. Исмаилов

Тошкент – 2013

Магистрлик диссертация иши «Эконометрика» кафедраси дастлабки
ҳимоясидан ўтган.

_____ - сонли баённома « _____ » _____ 2013й

Илмий раҳбар: Исмаилов А.А. _____

имзо

сана

Магистр: Раббимов А.Т. _____

имзо

сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I-БОБ: МАКРОИҚТИСОДИЁТДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК МЕТОДЛАРИ.....

- 1.1 Иқтисодий ўсишнинг моҳияти, омиллари, шакллари ва кўрсаткичлари.....
- 1.2 Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда инновацияларнинг ўрни ва истиқболлари
- 1.3 Иқтисодий ўсиш омилларини тадқиқ этишнинг эконометрик методлари ва уларнинг имкониятлари.....
- 1-боб бўйича хулосалар.....**

II-БОБ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ.....

- 2.1 Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш омиллари ва улар динамикасининг макроиқтисодий таҳлили.....
- 2.2 Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ялпи тақлиф омиллари ва уларни эконометрик моделлаштириш.....
- 2.3 Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ялпи талаб омиллари ва уларни эконометрик моделлаштириш.....
- 2-боб бўйича хулосалар.....**

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЭКОНОМЕТРИК БАШОРАТЛАШ.....

- 3.1 Узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари ва уларни таснифлаш асосида Ўзбекистонда янги иқтисодий ўсиш омилларини шакллантириш.....
- 3.2 Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни ва унинг мақсадли кўрсаткичларини эконометрик башоратлаш.....
- 3.3 Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари ва эконометрик моделлари.....
- 3-боб бўйича хулосалар.....**

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

Фойдаланилган

Адабиётлар

Рўйхати.....

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ҳар бир мамлакат макроиқтисодий барқарорликка эришишга ҳаракат қилади ва уни давлат иқтисодий сиёсатининг бош мақсади деб билади.

Ўзбекистонда ҳам ҳар йили макроиқтисодий кўрсаткичлар ривожланиш жараёнларининг барқарорлиги ва уларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жумладан, мамлакатимиз томонидан 2013 йилнинг энг муҳим устувор вазифа ва йўналишлари сифатида макроиқтисодий барқарорлик ва уни янада мустаҳкамлаш, **изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш** каби давлат миқёсидаги долзарб вазифаларнинг белгилаб олиниши юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир¹.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш омиллари ва жараёнларини таҳлил қилиш, уларда юзага келадиган муаммо ва қонуниятларни аниқлаш, ушбу кўрсаткичлар орасидаги муҳим миқдорий боғланишларни тадқиқ этиш каби муҳим амалий масалаларни ечиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида эконометрик тадқиқот усулларини макроиқтисодий таҳлилда қўллаш заруриятини кучайтиради. Шунингдек, мазкур жараёнлар кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган эконометрик таҳлилни талаб этади ҳамда бу борадаги эконометрик тадқиқотлар давлат иқтисодиётининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврлардаги истиқболли ривожланиш йўналишларини аниқлашда шу жумладан, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда кенг имкониятлар яратиб беради.

¹ Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 19.01.2012.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, иқтисодиётда вужудга келадиган номутаносибликларни ўз вақтида бартараф қилиш ва мавжуд муаммоларни самарали ечиш йўллари излашнинг зарурлиги ҳамда жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги нобарқарорлик шароитида мазкур мавзунинг мамлакатимиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги, танланган тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот муаммосининг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, макроиқтисодий муаммоларни ва номутаносибликларни олдиндан кўра билиш ҳамда олдини олиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги нафақат маълум бир давлатнинг балки, бутун дунё давлатларининг долзарб макроиқтисодий вазифасига айланиб бораётганлигини ҳамда мазкур муаммо доирасида хорижда ҳам самарали илмий изланишлар қилинаётганлигини кўрсатиб беради. Жумладан, макроиқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари билан хорижий давлатлар иқтисодчи олимларидан Ж.Кейнс, Р.Солоу, В.Леонтьев, Л.Клейн, Ж.Сакс, Р.Харрод, Ф.Модильяни, М.Фридман, С.Кузнец, П.Самуэльсон, Ж.Хикс, Э.Хансен, Л.Вальрас, А.Маршал А.Филлипс, Р.Дорнбуш ва С.Фишерларнинг илмий изланишлари алоҳида диққатга сазовордир. Мазкур иқтисодчиларнинг тадқиқотлари айниқса, иқтисодий ўсиш динамикасини моделлаштириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасида микдорий боғлиқликларни ўрнатиш, тармоқлараро баланс муаммоларини тадқиқ этиш, эконометрик усуллар асосида макроиқтисодий самарадорликни баҳолаш билан характерланади.

Макроиқтисодий мувозанат ва макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш вазифаларининг долзарблиги сабабли мазкур муаммонинг баъзи жиҳатлари билан МДХ давлатларининг иқтисодчи

олимлари самарали илмий изланишлар олиб боришган. Хусусан, И.Елисеев, С.Айвазян, Б.Бродский, В.Немчинов, О.Замков, Е.Дубровский, В.Мхитарян Л.Кантарович, А.Гранберг, Б.Смеховларнинг илмий изланишларида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг омилий таҳлиллари, иқтисодий ўсишнинг эндоген моделлари, ҳамда башоратлашнинг айрим муаммолари кенг ёритиб берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бошқа мамлакатлар сингари мамлакатимизда ҳам макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга алоҳида эътиборнинг мавжудлиги республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан акад., В.Қ.Қобулов, С.С.Ғуломов, проф., М.М.Ирматов, Т.Ш.Шодиев, Н.М.Махмудов, Р.Ҳ.Алимов, Б.Б.Беркинов, Б.Ю.Ходиев, Ш.Р.Холмўминов, Б.А.Бегалов, С.К.Салаев, А.Абдуғаффоров, А.М.Абдуллаев, Б.Т.Салимов ва С.В.Чепелларнинг илмий изланишлари иқтисодий - математик моделлаштириш, башоратлаш ва иқтисодий жараёнларнинг дастурий таъминоти каби масалаларга бағишланган. Шунингдек, муаммонинг баъзи жиҳатлари Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки институти мутахассислари томонидан ҳам тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиш омиллари ва тенденцияларини эконометрик тадқиқ этган ҳолда мавжуд макроиқтисодий муаммоларни ва миллий иқтисодиётнинг келгуси ривожига билан боғлиқ масалаларни самарали ечиш бўйича илмий - амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот жараёнида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодий ўсишнинг моҳияти, омиллари, шакллари ва кўрсаткичларини ёритиш ва таҳлил қилиш;

- иқтисодий ўсиш моделлари, уларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- иқтисодий ўсишни тадқиқ этишнинг эконометрик усуллари ва моделларининг имкониятларини ёритиш;
- Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш омиллари ва уларнинг динамикасини макроиқтисодий таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ялпи таклиф ва ялпи талаб омилларини эконометрик моделлаштириш;
- Ўзбекистонда узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделларини асослаш ва макроиқтисодий ривожланишни эконометрик баҳолаш;
- Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари истикболини башоратлаш ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси ва фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсишидаги ўзгаришлар ва уларнинг эконометрик таҳлили билан боғлиқ бўлган ижтимоий - иқтисодий жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектик, абстракт - мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, статистик ва эконометрик, иқтисодий - математик моделлаштириш ҳамда башоратлаш усулларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологияси ва илмий - услубий асослари.

Диссертация ишининг методологик асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистонда жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг оқибатларини юмшатиш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг устувор йўналишлари ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан бу борада олиб борилган илмий назарий ва амалий тадқиқот таҳлилий материаллари хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги.

- техник тараққиётни асословчи иқтисодий ўсиш моделларининг имкониятлари умумлаштирилиб, улар техник тараққиёт мезони асосида таснифланди;

- Ўзбекистонда узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг шартлари ва эконометрик моделлари асосланди;

- Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари асосида макроиқтисодий омилларнинг ялпи самарадорлиги баҳоланди;

- Ўзбекистонда асосий иқтисодий ўсиш омилларининг бир-бирига таъсир йўналишлари аниқланди;

- Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бир омилли ва кўп омилли эконометрик моделлари таклиф этилди;

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни эконометрик башоратлаш моделлари ва вариантлари таклиф қилинди ҳамда улар асосида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг башоратлари амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда ёритилган эконометрик таҳлил усуллари ва моделларидан макроиқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда, ҳамда уларнинг ўзгаришларини башоратлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилиш имкониятини ҳам беради.

Диссертацияда ёритилган илмий хулоса ва таклифлар, Ўзбекистон макроиқтисодиётини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ўсишнинг устувор йўналишларини белгилашда имкон яратади. Ишдаги асосий аналитик макроиқтисодий моделларга ўзгарувчи омилларни киритиш

натижасида келгуси вариант ҳисоблари ҳосил бўлади ва у турли макроиқтисодий ривожланиш вариантларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жihatдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

1-БОБ: МАКРОИҚТИСОДИЁТДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НАЗАРИЙ - УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК МЕТОДЛАРИ

1.1 Иқтисодий ўсишнинг моҳияти, омиллари, шакллари ва кўрсаткичлари

Иқтисодий ўсиш - тўлиқ бандлик билан мужассамлашган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг узок муддат мобайнида ўсишидир. Иқтисодий ўсиш ЯИМ, давлат иқтисодий қудрати ва инсонлар фаровонлигининг ўсишида ўз ифодасини топади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатнинг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ҳам ифодаланади.

Барқарор иқтисодий ўсиш- бу узок вақт давомида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Макроиқтисодиёт назарияси ва жаҳон амалиёти кўрсатишича мамлакатларни йиллик ЯИМни ўсиш суръати 7% дан кам бўлмаса ЯИМнинг ҳажми 10 йилда 2 марта кўпаяди. Аксинча ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 10% дан кам бўлмаса, мамлакат ЯИМ ҳажми 7 йилда 2 марта кўпаяди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари - бу амалга оширилган мувозанатлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қурулантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнларини жадаллашуви ва чуқурлашувини натижасидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, барқарор иқтисодий ўсиш анъанавий хом ашё тармоқлари, жаҳон бозоридаги айрим хом ашё ва материал турлари юқори баҳоси ва қулай конъюнктураси ҳисобига эмас, балки иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, тайёр рақобатбардош маҳсулотни ва ҳозирги замон хизматларини кўрсатишга қаратилган тармоқларни жадал суръатларда ривожланиши ҳисобига таъминланади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тармоқлари, инвестицион комплекс, амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодий ўсиш сифатини ошириш муҳим рол ўйнади.

Иқтисодий фанда **“Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги”** ва

“Иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчалари фарқланади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги деганда **“Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги”** тушунчасининг ҳамма таркибий қисмларини шу жумладан товар ва хизматларнинг сифатини яхшиланиши, уларнинг рақобатбардоршигини ортиши, янги тугалланган юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурсларни қайтимини ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайиши тушунилади.

“Иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчаси эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ижтимоий йўналтирилганини кучайишини ифодалайди. Жумладан, иқтисодий ўсиш сифатини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг моддий фаровонлигини яхшиланиши;
- шахснинг ҳар томонлама ривожланишини асоси ҳисобланган бўш вақтини кўпайиши;
- ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасини ўсиши;
- инсон капиталига сарфланадиган инвестицияни кўпайиши;
- кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш;
- ишсизларнинг ва меҳнат қобилиятига эга бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- меҳнат бозоридаги таклиф ўсиб бораётган шароитда тўла бандликни қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатига ўтиш қуйидагиларни англатади:

- иқтисодий ривожланишга асосан илмий-техника тараққиётини омиллари ҳисобланган компьютерлар, ресурсни тежайдиган юқори технологияларни қўллаш орқали эришилади;
- иқтисодий ривожланишга товар ва хизматларни сифатини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобига таъминланади;

- иқтисодий ривожланишга инсоннинг яшайдиган экологик муҳитни химоя қилиш борасидаги талабларини бажариш ҳисобига эришилади;

- иқтисодий ривожланиш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи **омиллар**ни шартли равишда **икки гуруҳга** ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ омиллари** иқтисодиётнинг жисмоний ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар **таклиф омиллари** деб ҳам аталади. Бу омиللар қуйидагилар:

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
2. Меҳнат ресурслари миқдори ва сифати;
3. Асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми;
4. Технология ва фан-техника тараққиёти.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган “таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда”.²

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра ҳар қандай мамлакатнинг **иқтисодий ўсишни таъминлайдиган омиллари**, қуйидагилар:

1. Табиий ресурслар миқдори ва сифати.
2. Меҳнат ресурслари миқдори ва сифати.
3. Асосий капитал ҳажми.
4. Техник тараққиёт ва технология.
5. Миллий даромадда жамғариш хоссаси.
6. Инвестицияни ўсиши.

Буларни ҳаммасини **таклиф омили** деб аташ мумкин. Айни улар ишлаб чиқаришни ўсишини таъминлайди. Лекин ўсиш имконияти билан реал ўсишни ажратиш керак. Биринчидан, **ўсиш талаб омилларига боғлиқ**. Ўсишни таъминлаш учун кетаётган ресурслар ҳажмини тўла таъминлаш керак. Бунинг учун ялпи харажат кўпайиши керак.

²И.А.Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. “Халқ сўзи”. 2000 йил, 15 феврал.

Иккинчидан, иқтисодий тақсимлаш омиллари таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлароқ, мақсадга кўра фойдаланиш керак.

Иқтисодий ўсишга таъсир этадиган омиллар орасида **меҳнат омили** алоҳида ўрин тутadi. Меҳнат сарфи даражасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Иш кучининг миқдори билан биргаликда сифат даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Жамият миқёсида сарфланган меҳнат ҳажмига мамлакатдаги аҳоли сони, ишловчилар сони, иш вақти таъсир қилса, меҳнат унумдорлигига техника тараққиёти, инвестиция, ишловчиларнинг маълумоти, малакаси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқалар таъсир этади.

Иқтисодий ўсишнинг яна бир муҳим омили **капитал** харажатлари-асбоб-ускуна, бино-иншоотлар, ҳамда товар захираларини ўз ичига олади. Асосий капитал уй-жой фондини ҳам ўз ичига олади. Чунки уй эгалари кўрсатиладиган хизматдан манфаат кўришади. Капитал харажатларига жамғариш нормаси, асосий капитал ҳажми, капитал билан қуролланиш даражаси ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда **ер** табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати ҳам катта рол ўйнайди. Шу билан бирга шуни эслатиш керакки табиий ресурсларни мавжудлиги иқтисодий ўсиш учун етарли эмас муҳими улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.


Фан-техника тараққиётининг нақадар муҳимлигини эслатишнинг зарурияти ҳам йўқ, чунки, у иқтисодий ўсишнинг **двигатели** ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни қўшимча ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. қўшимча ресурслар **инвестицион ресурслар** деб аталади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ресурслар инвестиция дейилади. У энг аввало пул шаклида бўлади. У номинал инвестиция деб аталиб, унга керакли ресурслар сотиб олинади.

Иқтисодий ўсишга **тақсимлаш омиллари** ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда

самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи, тақлиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Масалан, ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштириш иқтисодий ўсиш учун имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни рўёбга чиқаради. Иқтисодий ўсишда ресурсларни тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлса-да, бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор тақлиф омилларига қаратилиши зарур. Меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келувчи омилларни тўлароқ қараб чиқамиз. Қуйидаги чизма кўрсатадики, реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин: ресурсларнинг кўпроқ ҳажмининг жалб этилиши ва улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан.



1.1-расм. Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар³

Амалий ҳаётда **иқтисодий ўсишни чекловчи омиллар** ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф муҳитнинг ифлосланиши ва шу каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикада давлат томонидан атроф муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амлага оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий

³Шодмонов Ш.Ш, Хамроев О.Х, Кенжаев Р.И. “Иқтисодий тараққиёт назарияси” фани. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2008. - 213 бет.

ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлари бошқа томонга жалб қилинади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат **иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини** белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича ҳудди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Шу сабабли уни баҳолаш учун қандайдир битта кўрсаткич кифоя қилмайди,

муайян **кўрсаткичлар тизими** талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар тизимида жисмоний ва қиймат ифодасидаги кўрсаткичлар фарқланади.

Иқтисодий ўсишнинг жисмоний кўрсаткичлари анча аниқ натижа беради, (чунки улар инфляция таъсирига берилмайди), лекин универсал эмас (иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисоблашда ҳар хил неъматлар ишлаб чиқаришни умумий кўрсаткичга келтириш қийин). Қиймат кўрсаткичлар кенг қўлланилади, аммо ҳар доим ҳам уни инфляциядан тўлиқ “тозалаш” мумкин бўлавермайди. Шу сабабали иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни микро ва макроиқтисодиёт даражасида таҳлил қилиш мумкин.

Микроиқтисодиёт даражасида иқтисодий ўсиш- алоҳида олинган иқтисодий субъектлар фаолиятидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг, даромадлар ва фойданинг ўсишини тушуниш мумкин. Микродаражада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичи мавжуд бўлмайди. Бундай иқтисодий ўсиш шу корхона ёки фирманинг ривожланишини, унинг бозордаги имкониятларининг кенгайишини, қолаверса, унинг ҳажмининг ортишини англатади. Бунда ушбу корхона ва фирма эгаларининг ҳамда ишчи-ҳодимларининг даромадлари ортишини, турмуш тарзининг яхшиланиши кузатилади.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ўсиш- миллий иқтисодиётдаги субъектларнинг аксарияти иқтисодий ўсишга эришганлигини тушуниш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, макродаражада иқтисодий ўсиш деганда мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ортганлиги кўзда тутилади.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ўсишнинг асосий қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: ЯММ, миллий даромаднинг мутлоқ ҳажми ва унинг ўсиш суръати, ЯММ, миллий даромаднинг аҳоли жон бош ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати, ЯММ,

миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини характерловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлиги ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий Иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади: ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши даражаси, яъни унинг унумдорлиги, ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси, ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат, меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослашиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯММ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсишни тавсифловчи асосий нисбий кўрсаткич иқтисодий ўсиш даражаси кўрсаткичи ҳисобланади. У ўсиш суръати билан баҳоланиб, қуйидагича аниқланади:

$$\dot{Y}_c = \frac{YMM_{\text{реал}}^b - YMM_{\text{реал}}^{\text{жк}}}{YMM_{\text{реал}}^{\text{жк}}} * 100 \%$$

Бунда $\dot{Y}_c$ - иқтисодий ўсиш суръати, $YMM_{\text{реал}}^b$ - базис йилдаги реал ЯММ, $YMM_{\text{реал}}^{\text{жк}}$ - жорий йилдаги реал ЯММ.

1.2. Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда

инновацияларнинг ўрни ва истикболлари

Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса иқтисодиёт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи

омиллар таъминлайди.Энг сўнги иқтисодий ўсиш назарияларига кўра омилларнинг асосийлари:т табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати; меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати; ишлаб чиқаришдаги асосий капитал (фонд) миқдори ва таркиби; ишлаб чиқаришнинг технология даражаси.Бу ишлаб чиқариш омилларининг хажми ва сифатини билдиради, иқтисодий ўсиш имкониятларини англатади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш;
- инвестицияларни кенг жалб қилиш

Иқтисодий ўсишини таъминлашнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштириш орқали инновацияларни жорий қилишдир.

Инновациялар қўллаш хусусиятларига кўра иккита гуруҳга ажратилади:

- янги маҳсулотларни, буюмларни, моддаларни, яримфабрикатларни, бутловчи қисимларни қўллашни жиддий янги ёки мукамаллаштирилган маҳсулотларни яратишни қамраб олган маҳсулот кўринишидаги инновациялар;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш янги усулларни, янги жараёнларни, янги технологияларни ва улар билан боғланган янги

жихозлар ва асбоб-ускуналарни қамраб олган жараён кўринишидаги инновациялар.

Инновацияларни қуйидаги турларини ажратилади:

1. Қатъийлигига (янгилигига) кўра:

- йирик ихтироларни амалга оширадиган ва техникани янги бўғинларини ва ривожланиш йўналишларини шакллантирилишга асос бўладиган базис инновациялар; одатда майда ва ўрта ихтироларни амалга оширадиган ва илмий-техник ривожланиш даврни тарқалиш ва барқарор босқичларида устунлик қиладиган яхшилайдиган инновациялар; эскирган техника ва технология бўғинларини қисман яхшиланишига қаратилган сохта инновациялар.

2. Қўлланиш хусусиятларига кўра:

- янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва ишлатишга йўналтирилган маҳсулот инновациялари; янги технологияни яратишга ва татбиқ қилишга қаратилган технологик инновациялар; янги тузилмаларни қуриш ва ҳаракатлантиришга мосланган ижтимоий бир неча ўзгаришларни ифодаладиган комплекс инновациялар; янги бозорларда маҳсулотларга, хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондирадиган бозор инновациялари.

3. Келиб чиқиш сабаби ва манбаси бўйича:

- фан ва техника ривожланишидан келиб чиққан инновациялар; ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларларидан келиб чиққан инновациялар; бозор эҳтиёжларларидан келиб чиққан инновациялар.

4. Қайта ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамиятига кўра:

- истеъмол инновациялар; инвестицион инновациялар;

5. инновацияни масштаби бўйича:

- мураккаб (синтетик) инновациялар; содда инновациялар.

Ўзбекистонни иқтисодий салохиятини ривожланишининг асосий омилларидан бири - иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказишдир. Бу йўналишни асосий мақсади ишлаб чиқаришни технологик

даражасини ва рақобатдошлигини ошириш, инновацион маҳсулотни ички ва ташқи бозорларига чиқишини таъминлаш, ички бозорда импорт маҳсулот ўрнини эгаллаш, экспортга мосланган иқтисодиёт тизимини яратишдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида миллий инновацион тизимини яратиш нафақат илмий-техник соҳанининг муҳим вазифаси, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш вазифаси ҳамдир.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий ўсиш суратларининг юқори натижаларга эришилишида мамлакатнинг модернизация қилинаётганлиги ҳам катта ўрин тутди. Унинг натижасини барқарор иқтисодий ўсиш суратларидан ҳам яққол кўра бўлади. Масалан, 2009 йили юртимизда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, 2010 йилда 8,5 фоизга ортиб, 2011 йилда 8,3 фоизни ташкил этди. 2012 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш унинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришда техника технологияни янгилаш, энергия манбаларини тежаш, ишлаб чиқарилаётган товар турларини кўпайтириш мақсадлари ётади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилишга фақатгина макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш сифатида эмас балки аҳоли даромадлари манбалари турларининг кўпайиши, аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллийлаштириш, ички бозорни товарлар билан тўлдириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш масалалари сифатида ҳам қаралмоқда. Масалан, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Асосан даромад шакллари ўзгариши, даромадларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан таркибий қисмлари ўзгариши, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлиши аҳолини моддий жиҳатдан рағбатлантириб, интилиши ва изланиши учун стимул вазифасини ўтамоқда. Ўз навбатида

модернизация жараёнлари ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам рағбатлантиради, ҳам янги товар турларини ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш талабини қўяди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари иновацияларнинг жорий қилиниши билан бирга юз беради. Бирини иккинчисисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Модернизация янгилаш, замонавийлаштириш маъноларини билдирса, иновация янгиликларни жорий қилиш деган маънони билдиради. Иновация жараёнлари модернизациянинг ичида кетади. Агар модернизациялашни стратегия деб олсак, иновация жараёнларини стратегияни амалга ошириш борасидаги тактик фаолият деса бўлади.

Иқтисодиётни модернизация қилинишида иновацион жараёнларнинг асосан учта йўналиши муҳим ҳисобланади:

1. Хорижий техника технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши.

2. Мамлакатнинг илм-фан салоҳияти, илм фан ютуқларини, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги.

3. Ишчи кучининг сифат даражасининг юқори бўлиши, тайёрланаётган кадрларнинг билим даражаси ва уларнинг янгиликка интилиши, янги техника технологияларни ўзлаштириш кўникма ва қобилиятларининг шакллантирилганлиги.

Ўзбекистон шароитида хорижий техника — технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинишида қулай инвестицион муҳит, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларининг кафолатланиши, қулай ички ва ташқи бозорнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг модернизация қилинишида мамлакатнинг илм-фан салоҳияти, илм фан ютуқларини, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги катта рол ўйнайди. XX асрнинг 50 йилларида АҚШда

бошланган илмий техника инқилоби илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлиги ва боғланиши натижасида вужудга келган эди ҳозиргача давом етмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда бир неча миллион киши илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланади. АҚШ, Япония, Франция, Германия ва Буюк Британия улкан илмий салоҳиятга эга, бўлган мамлакатлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда илм фан соҳасида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик марказлардан бири ҳисобланади. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган моддий асосга, кенг илмий фондига, малакали илмий кадрларига эга. Уларнинг илмий ютуқлари бутун дунёда эътироф этилган.

Республиканинг илмий-текшириш мажмуаси академик, олий таълим мажмуалари ва турли соҳадаги 362 та муассасаларни ўз ичига олади, шу жумладан: 101 илмий-тадқиқот институтлари, 55 ўқув юртлардаги илмий-тадқиқот бўлинмалари, 65 лойиҳа-конструкторлик ташкилотлар, 32 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва тажриба корхоналари, 30 ахборот ҳисоблаш марказлари.

Ўзбекистон шароитида илм фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масаласи энг асосий масалалардан биридир. Бундай янгиликлар билан ишлаб чиқарувчиларни яқиндан таништириш кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида бир неча йилдан буён пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Кашфиётлар, ихтиролар ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан муҳим аҳамиятга эга. Яъни, янгиликнинг аҳамияти уни ким яратганлигида эмас, ундан ким қандай фойдаланганлигидадир. Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси турли илмий муассасалар, инженер конструкторлик ташкилотлари билан ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзаро боғлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида давлатнинг илмий технологик тараққиёт соҳасида инновация ва

инвестиция фаолияти учун зарур иқтисодий имкониятлар яратиш ўз таркибига солиқ, молия, амортизация, кредит ва божхона сиёсати кабиларни қамраб олувчи билвосита тартибга солишни амалга ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан саналади.

Давлат томонидан инновация жараёнларини тартибга солишнинг зарурати, аввало, уларнинг иқтисодиёт ва жамият учун аҳамияти ошаётганлиги билан боғлиқдир. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти экстенсив ва интенсив омилларнинг мослигига таянади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришга янги ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш имконияти чеклангандир. Шу сабабли иқтисодий тараққиётда интенсив омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, инновацияларнинг умумижтимоий моҳиятининг асосий жихати уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳал қилувчи таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, инновациялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишига, институтчионал иқтисодий механизмларга, ижтимоий барқарорликка, атроф-муҳитга, иқтисодий хавфсизлик даражасига ва энг асосийси жаҳон ҳўжалиги тизимидаги миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигига таъсир этади.

Демак, давлат инновация жараёнларини бугунги кунда айнан улар мамлакат тараққиёти истиқболини белгилаганлиги туфайли ҳам тартибга солиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, давлат инновация сиёсати 3 асосий йўналишга ажратилади:

- Инновация фаолиятини фаоллаштиришни таъминлаш. У ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий-ижтимоий муҳитни яратиш;
- Таълим, маънавият, экология, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа каби соҳаларда давлат маъсулияти талабларига жавоб берувчи инновацияларни

яратиш ва тарқатиш борасидаги мақсадли дастурлар бўйича давлат буюртмаларини молиялаштириш;

- Алоҳида корхоналар учун манфаатдор, аммо зарур даражада юқори даромад келтирмайдиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва танлаб рағбатлантиришни амалга ошириш.

Юқорида берилган йўналишларни биринчиси, умуман, миллий корхоналар рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган, жумладан, корхоналарда ишчи ўринларини сақлаш ва яратиш бўлиб, мазкур мақсадлар учун солиқ тўловчилар ҳисобидан тушувчи маблағлар сарфланади.

Иккинчи йўналиш таъминотчилар ва индивидуал истеъмолчилар ўртасида бевосита икки томонлама келишувлар асосида ўзлаштирилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган истеъмол бозорига хизмат кўрсатади.

Учинчи йўналиш иккинчи йўналиш билан муносабатга эга, аммо унча кучли бўлмаган оралиқ ҳодисалар учун мос бўлиб, уларнинг ташқи ижтимоий самаралари ўз ўрнига эга ва давлатнинг нотижорат меъзонлари у ёки бу инновацияларга нисбатан қўлланилади.

Айни дамда, инновацион фаолиятини анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятидан ажратувчи тамойиллар тавсифи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур:

1. инновация характерига эга бўлган ва фақат келгусида қопланиши мумкин бўлган қўшимча харажатларга эҳтиёжнинг мажбурлиги. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар бир алоҳида олинган инновацияларда бу сарфлар индивидуал характерга эга бўлади – улар ҳажми, қайтариш тезлиги кўпгина объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлади;

2. Инновацияга сарфлар ва уни жорий этишдан олинadиган самара вақт бўйича мос келмайди. Жумладан, қандайдир янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бутун даври давомида амалга оширилган сарфлар уни сотиш бошланиши билан қопланмай, маълум муддат ўтишини талаб этади. Инновацияларнинг қопланиш ҳисоб-китобида вақт омили дисконтлаш

усулини қўллаш оқали амалга оширилади. Бу ҳўжалик субъектининг жорий ва истикболдаги манфаатлари бирлигини бузувчи хусусият бўлиб, инновация фаолияти билан шуғулланиш истагига салбий таъсир кўрсатади;

Режалаштирилган натижаларга эришишда ноаниқ унсурлар ва хавфларнинг мавжудлиги.

Илғор инновацияларнинг кичик фоизларни ташкил этиши, бунда илғор инновациялар нафақат ўзи учун, шунингдек, самарасиз ғоялар учун сарфларни компенсациялайди.

1. Анъанавий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар молиявий кўрсаткичлари ёмонлашувининг олдини олиш учун алоҳида бюджет зарурати.

2. Анъанавий фаолиятдан фарқ қилувчи инновация фаолиятини баҳолаш меъзонларининг қўлланиши. Масалан “фойданинг йиллик ўсиши” меъзонини ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди, чунки инновация маҳсулоти яқин истикбол уч-тўрт йилда ҳеч қандай фойда бермасдан, шундан сўнг фойда кескин кўтарилиб кетиши мумкин.

3. Барча ескирган воситалардан тизимли равишда воз кечиш, бу эса ўз навбатида ресурсларни янги ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун озод этиш имконини беради.

4. Натижалардан ресурслар сарфига инвестицияларга қараб узвий алоқанинг йўқлиги.

5. Аниқ оралиқ натижалар бермайдиган инновацияга маблағ сарфлашнинг олдини олиш мақсадида ишни тўхтатиш мумкин бўлган муддатни тўғри танлаш.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармокларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик

қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади⁴.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011.

1.2.1-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ресурсларни тежашдаги таъсири.

Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг ортиши, унинг иқтисодий ўсиши, фақат табиий ресурслар ҳисобидан эмас, балки ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника ва технологиясининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу ҳолатни буюк математик П.Пильцер қуйидаги формула орқали изоҳлаган:

$$W = P \times T \times n$$

⁴ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

Бу ерда, W – мамлакатнинг бойлиги, P – табиий ресурслар, T – технология,

n – техника тараққиётининг технологияга таъсир даражаси.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган асосий вазифалар ҳисоблаш ислохотларни давом эттириш, чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш каби долзарб масалалар жорий йил учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ички манбаларни йўналтириш асосида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилади.

1.3 Иқтисодий ўсиш омилларини тадқиқ этишнинг эконометрик методлари ва уларнинг имкониятлари

Иқтисодий ўсиш омилларини тадқиқ этишда эконометрик усуллар ва моделлар ишончли илмий восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, эконометрик усуллар ва моделлар иқтисодий ўсиш омилларининг ўзига хос хусусиятларидан ҳамда макроиқтисодий таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда макродаражадаги тадқиқотларда кенг қўлланилади.

Иқтисодий ўсиш омилларининг энг муҳим хусусиятларидан бири бу - улар орасида **бир томонлама ҳамда кўп томонлама ўзаро алоқадорлик**нинг мавжудлигидир. Одатда бундай боғлиқликларни тадқиқ этишда корреляцион - регрессион таҳлил усуллари қўлланилади. Шунингдек, корреляцион таҳлил усулида иқтисодий ўсиш омиллари ўртасидаги боғланишнинг зичлик даражасини баҳоланади.

Корреляция коэффиценти -1 дан $+1$ гача қийматларни қабул қилиб, унга кўра боғланиш кучи аниқланади. Шунингдек, мусбат ишора тўғри боғланиш, манфий ишора эса тескари боғланишни ифода этади.

Корреляцион таҳлил усули ўз навбатида муайян камчиликларга ҳам эга. Жумладан, корреляцион таҳлилнинг асоси ҳисобланган корреляция коэффиценти фақат иқтисодий ўсиш омиллари орасидаги боғланиш меъёрини ўлчайди холос, аммо, уларнинг сабабини очиб бера олмайди. Мазкур мақсадга регрессион таҳлил деб номланувчи махсус усул хизмат қилади, ҳамда у иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларнинг самарадорлигини аниқлаб беради. Шу билан бирга регрессион таҳлил иқтисодий ўсишнинг келажак даврлари учун истиқбол миқдорларини баҳолаш ва уларнинг эҳтимол чегараларини аниқлаш имкониятини ҳам беради.

Регрессион таҳлилнинг энг муҳим кўрсаткичи бу **регрессия коэффиценти** бўлиб, у омил иқтисодий ўсиш омилларининг самарадорлигини белгилайди. Шунингдек, у омил бир бирликка ўзгарганда натижа ўртача қанча миқдорга ўзгариши мумкинлигини кўрсатиб беради. Регрессион таҳлил натижасида иқтисодий ўсиш омилларини миқдорий боғловчи регрессия тенгламалари тузилади ва уларнинг адекватлиги баҳоланади.

Таъкидлаш жоизки, тузилган регрессия моделлари натурал масштабдаги тенгламалар бўлиб, улардаги регрессия коэффицентлари a_j номли миқдорлардир. Жумладан, ушбу миқдорлар турли ўлчов бирликларида ифодаланади ҳамда сифат ва маъно жиҳатидан ҳар хил омиллар таъсирини ўлчайди. Демак, улар бир-бири билан таққослама эмас. Мазкур коэффицентларни таққослама нисбий кўрсаткичларга айлантириш учун, стандартлаштирилган регрессия коэффицентлари ёки β - коэффицентлар ҳосил қилинади. Шунингдек, β - стандартлашган

регрессия кўрсаткичлари таққослама нисбий меъёрлар бўлиб, уларда ўлчов бирликлари ва белгилар моҳияти мавҳумлашган бўлади⁵.

Мазкур регрессия коэффициентлари a_j жуфт регрессия коэффициентларидан фарқли ўлароқ, муайян омилнинг натижага таъсирини унинг вариацияси билан бошқа тенгламада қатнашаётган омиллар вариацияси орасидаги боғланишни “соф” ҳолда ўлчайди, аммо тенгламага киритилмаган омиллар бундан мустаснодир.

β - коэффициентлар $\beta_j = a_j \frac{\sigma_{x_j}}{\sigma_y}$ га асосан топилади, бунда x_j омилга

тегишли β_j - коэффициент муайян омил вариациясининг натижавий белги (y) вариациясига таъсирини регрессия тенгламада кўзланган бошқа омиллар вариациясидан “тозаланган” ҳолда ўлчовчи нисбий меъёр ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишда омиллар тизими ҳам жуда катта рол ўйнайди.

Бундан ҳамма омилларнинг тўплама таъсири ҳар бирининг таъсир этиш ўлчамлари йиғиндисига тенг деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Шунингдек, **омиллар тизими** – бу уларнинг оддий арифметик йиғиндиси бўлмасдан, балки, у ички боғланишларни, таркибий элементларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ҳам тақозо қилади. Тизим ҳаракати натижасида таркибий элементларнинг таъсирлари устига “**тизим самараси**” “*Emergency*” (инглизча - янги нарса пайдо бўлиши) қўшилади⁶.

Тизимли ёндашиш талабларига тўла жавоб бериш учун кўп ўлчовли детерминация коэффициентини омиллар таъсирига ажратиш лозим бўлади ва у айрим омилларнинг соф таъсирлари йиғиндиси билан бир қаторда тизим самараси таъсирини ҳам ўлчаш имкониятини беради.

Демак, ҳар бири алоҳида олиб қаралган омилларнинг натижавий белги “ Y ” вариациясига таъсир қилишнинг жамлама ўлчами уларнинг β_j^2 -

⁵Елисеева И.И., Юзбашев М. М. Общая теория статистики: Учебник. 5 - изд., пер. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 656 с.

⁶ Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. - 211 p.

коэффициенти йиғиндиси, яъни $\sum_{j=1}^K \beta_j^2$ билан ўлчанади, тизим самарси эса:

$\eta_s = R^2 - \sum_{j=1}^K \beta_j^2$ га тенг бўлиб, бунда β^2 - коэффициентлар айрим

омилларнинг натижа умумий вариациясидаги ҳиссасини аниқроқ ўлчайди.

Агар η_s қиймати омиларнинг алоҳида вариация ҳисобига тўғри келган таъсирдан ҳеч бўлмаганда бирортасидан катта бўлса, у ҳолда омилар ўзаро боғланиши натижасида олинган тизим самараси кўп ўлчовли детерминация коэффициентининг шаклланишида катта рол ўйнайди дейишга аниқ асос мавжуд бўлади⁷.

Регрессия тенгламаларини таҳлил қилишда **хусусий ва умумий эластиклик коэффициентлари**дан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади ва ушбу эластиклик коэффициентлари омиларнинг 1 % ўзгариши билан иқтисодий ўсиш ўртача неча фоиз ўзгаришини кўрсатиб беради.

Эконометрик таҳлилнинг энг муҳим воситаларидан бири бу - **кўп ўлчовли детерминация коэффициенти** бўлиб, у иқтисодий ўсиш умумий вариациясидан қандай қисми регрессия тенгламасига киритилган омилар таъсири билан тушунтирилишини аңлатади. Шунингдек, кўп ўлчовли детерминация коэффициентини квадрат илдиз остидан чиқариш натижасида кўп омилли корреляция коэффициенти ҳосил бўлади ва у ўрганилаётган омилар билан иқтисодий ўсиш орасидаги боғланишнинг зичлик даражасини ифодалайди:

$$R_{012\dots k} = \sqrt{\frac{\sigma_{012\dots k}^2}{\sigma_0^2}}$$

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай иқтисодий ўсишни корреляцион ва регрессион усул ёрдамида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг корреляцион-регрессион моделларини тузиш мумкин эмас. Бунинг учун қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади:

⁷ Айвазян С.А., Мхитарян В.С. Прикладная статистика и основы эконометрики. - М.: ЮНИТИ, 1998.- 600 с.

-омил сифатида олинадиган белгилар иқтисодий ўсиш билан сабаб-оқибат боғланишда бўлиши, ҳамда омил қилиб олинаётган белгилар иқтисодий ўсишнинг таркибий элементи ёки унинг функцияси бўлмаслиги лозим;

- омил сифатида олинаётган белгилар бир-бирини такрорламаслиги, яъни коллинеар бўлмаслиги (корреляция коэффиценти > 0.8 бўлмаслиги шарт), ҳамда бир ёки ёнма-ён поғона даражасидаги омил ёки субомилларни моделга киритмаслик лозим;

- иқтисодий ўсиш қандай тўплам бирлигига нисбатан қараб олинган бўлса, омил белгилар ҳам ўша бирликка нисбатан ифодаланиши лозим;

- регрессия тенгламасига киритиладиган омиллар сони “ m ” тўплам бирликлари сони “ n ” дан кам бўлиши, ҳамда регрессия тенгламасини математик ифодалаш шакли реал шароитда омиллар билан иқтисодий ўсиш орасидаги боғланиш табиатига тўла мос бўлиши ва тасодифий хатоларнинг таъсири деярли йўқолиб кетиши учун иқтисодий ўсиш тўпламининг миқдори етарлича кўп бўлиши лозим;

- иқтисодий ўсиш тақсмоти омилларнинг барча қийматларида нормал тақсмот қонунига бўйсунishi ёки унга яқин бўлиши лозим.

Демак, юқоридагилар назарда тутилмас экан, у ҳолда иқтисодий ўсиш омилларини корреляцион ва регрессион усул ёрдамида таҳлил қилиш мумкин эмас.

Иқтисодий ўсиш омилларининг навбатдаги муҳим хусусиятларидан бири уларнинг тизимлилиги бўлиб, бундай жараёнларни тадқиқ этишнинг энг самарали усули - эконометрик тенгламалар тизимидир⁸.

Шунингдек, эконометрик тенгламалар тизими уч хил кўринишда бўлиб, улар тадқиқот мақсадлари ва хусусиятларига қараб иқтисодий ўсишни таҳлил этишда қўлланилади:

1.Мустақил тенгламалар тизими - қайсики, бунда ҳар бир боғлиқ ўзгарувчилар y нинг битта ёки x омиллар тўпلامидан иборат бўлган бир

⁸ J.Johnston Econometric methods. - England.: University of Manchester, 2000. - 157 p.

2. Рекурсив тенгламалар тизими - бунда маълум тенгламадаги y эрксиз ўзгарувчилар бошқа тенгламадаги x омиллар ўзгаришидан келиб чиқади ва y қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Бундай кўринишдаги тенгламалар тизимини ечиш ва унинг параметрларини баҳолаш учун ҳам юқоридаги каби кичик квадратлар усулидан фойдаланилади.

[illegible]

32

кўринишини ўзгартириш ёки уни моделнинг келтирилган шаклига айлантириб, сўнг параметрларини баҳолаш тавсия этилади.

Таъкидлаш лозимки, яхлит эҳтимолликка асосланган бозор иқтисодиёти тизимида эконометрик моделлар иқтисодий ўсиш таҳлили учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, эконометрик моделлар баланс тенгламалари ва регрессия тизимларидан иборат бўлиб, улар иқтисодий ўсиш омиллари ривожланишининг стохастикасини ҳисобга олади ва иерархик даражада, иқтисодий кўрсаткичларни миқдорий алоқаларини ифодалаб беради. Бугунги кунда **эконометрик моделларнинг асосий имкониятлари** сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир⁹:

- макроиқтисодий кўрсаткичларни миқдорий баҳолаш билан сифатли ифодаланишининг тизимлилиги ва тўлиқчилигини таъминлайди;

- олинган башорат маълумотларини мантиқ жиҳатдан ҳақиқатда ишлаётган моделлар билан ҳаётийликка мувофиқлиги текширилади, ҳамда макроиқтисодий жараёнларни таҳлил этишда эконометрик усуллардан фойдаланиб энг мақбул макроиқтисодий сиёсат йўналишлари аниқланади ва ишлаб чиқилади;

- эконометрик тенгламалардаги ўзгарувчиларни ўзаро боғлиқлиги аниқланади, бунда ўзгарувчилар бир тенглама бўйича бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлатилиши ҳамда бошқа ўзгарувчиларга таъсир этиши ҳисобга олинади;

- моделлар тизимига киритилаётган маълумотлар комплекс тенгламалар тузилишидан иборат бўлиб, баъзи кўрсаткичлар учун ҳеч қандай чеклашлар бўлмайди, шунингдек, эконометрик моделлар динамик модел кўринишини олиб, у ердаги тенгламалар ўзгарувчилар кўринишида, вақтга нисбатан кечиккан ҳолда ёки моделда мустақил омил кўринишида қатнашиши мумкин.

⁹Берндт Э.Р. Практика эконометрики: классика и современность. Учебник/Пер. с англ. под ред. Проф. С.А. Айвазяна. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 378 с.

Макроэконометрик моделларни тузиш кўп босқичли жараён бўлиб, у статистик таҳлил асосида моделларни кенгайтириш ҳамда изчиллик билан такомиллаштиришни ўзида ифода этади (1.3-расм).



1.3-расм. Эконометрик моделларни тузиш ва қўллаш жараёни¹⁰

Таъкидлаш жоизки, моделнинг ҳаётийлиги унинг моделлаштириладиган объектга айнан мос келиши билан муҳим аҳамият касб этади. Аммо, ягона моделда ўрганилаётган объектнинг ҳамма томоларини акс эттириш мумкин эмас. Бунда жараённинг энг характерли ва энг муҳим белгилари акс эттирилиши лозим. Шунингдек, жуда соддалаштирилган модел қўйилган талабларга тўла жавоб бермайди ва аксинча, мураккаб модел эса уни ечиш жараёнига қийинчиликлар туғдиради.

Шунингдек, эконометрик модел мукамал ва катта бўлмаслиги лозим, акс ҳолда ундан амалда фойдаланиш қийинлашади¹¹. Шунинг учун

¹⁰ Бабешко Л.О. Основы эконометрического моделирования. Учеб. пособ. 3-е, стереотипное. - М.: КомКнига, 2007. -432 с.

моделга энг асосий омилларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти тизимида макроиқтисодий таҳлилни чуқурлаштириш имкониятини берадиган иқтисодий ўсишнинг макроэконометрик моделлари ичида *AD-AS* ҳамда *IS-LM* моделларининг имкониятлари жуда юқори бўлиб, улар умумиқтисодиётдаги доиравий айланиш модели, ундаги ўзгаришлар ҳамда миллий иқтисодиётга жаҳон иқтисодиётдаги ўзгаришларнинг таъсирларини яхлит ҳолда баҳолаш имкониятини беради.

Хусусан, *IS-LM* макроиқтисодий мувозанат модели макротаҳлилда алоҳида аҳамият касб этади ва у асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро боғлиқликда ифодалайди ҳамда товар ва пул бозорларидаги мувозанат ҳолатини яхлит тизим сифатида тадқиқ этади¹². *IS-LM* моделининг асосий моҳияти шундаки, у товарлар ва пул бозорларини бир тизимда мужассамлаштиради. Унинг ёрдамида фоиз ставкаси ва ишлаб чиқаришнинг шундай қийматлари топиладики, бунда иккала бозорда ҳам бир вақтнинг ўзида макроиқтисодий мувозанат ҳолатига эришилади. Шунингдек, инвестициялар функциясида инвестициялар кредитлар бўйича реал фоиз ставкасига боғлиқ бўлиб, у ҳам ўз навбатида пулга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанат ҳолатидан аниқланади:

Макроиқтисодиётдаги иқтисодий ўсишни П.Дуглас ва Д.Коббнинг макроиқтисодиётдаги ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида тадқиқ этиш имконияти мавжуд бўлиб, ушбу функция мамлакатдаги ялпи ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолаш имконини ҳам беради:

П.Дуглас ва Д.Коббнинг макроиқтисодиётдаги ишлаб чиқариш функцияси, ушбу $Y = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2} x_3^{a_3} \dots x_k^{a_k}$ **мультипликатив функциянинг** хусусий холи бўлиб, бунда бирор омилсиз натижани ҳосил қилувчи

¹¹Шодиев Т.Ш., Хакимов Т.Х, Болтаева Л.Р., Ишназаров А.И., Бойзоков А., Нуруллаева Ш., Мухамедов Ю.Қ., Мўминова М.А., Каримов О.А. Эконометрика. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2005. - 117 б.

¹² Якубова Ш.Ш. Пул-кредит сиёсатида қўлланиладиган инструментларни макроиқтисодий моделлаштириш: Иқт. фан. ном. дисс. - Тошкент. ТДИУ, 2010. - 13 б.

шароит юзага чиқа олмаса, мазкур кўринишдаги моделдан фойдаланиш тавсия этилади ҳамда бунда $F(0, L) = F(K, 0) = 0$ га тенг бўлиши назарда тутилади¹³.

Шунингдек, $\frac{\dot{Y}}{\dot{K}} > 0$ (**капиталнинг чекланган маҳсулоти**, чекланган капитал қайтими, ёки капиталнинг чекли самарадорлиги), $\frac{\dot{Y}}{\dot{L}} > 0$ (**меҳнатнинг чекланган маҳсулоти**, чекли меҳнат унумдорлиги, ёки меҳнатнинг чекли самарадорлиги)да ресурсларнинг ўсиши ишлаб чиқаришни оширади, $\frac{\dot{Y}^2}{\dot{K}^2} < 0$, $\frac{\dot{Y}^2}{\dot{L}^2} < 0$ да ресурсларнинг ошиши ишлаб чиқаришни секинлаштиради.

Ишлаб чиқариш функциясида келтирилган параметрлар A , α , β макроэконометрик таҳлилда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, иқтисодий ўсишнинг омиллари k мартага ўзгарса, ҳамда умумий эластиклик яъни: $A = 1$ бўлса, ишлаб чиқариш сарфини k мартага кўпайтириш, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ҳам k марта кўпайишига сабабчи бўлади ва бу иқтисодий ўсишнинг ҳам шунча марта ўсишига олиб келади.

Агар $A > 1$ бўлса, ишлаб чиқариш сарфининг k мартага кўпайиши ишлаб чиқилган маҳсулот миқдорининг k мартадан кўпроқ кўпайишига сабаб бўлади, бу эса, иқтисодий ўсишнинг k мартадан ортиқроқ кўпайишига олиб келади. Шунингдек, $A < 1$ бўлса, ишлаб чиқариш сарфининг k мартага кўпайтириш ишлаб чиқилган маҳсулотнинг k марта кўпайишини таъминлайди, демак, иқтисодий ўсишнинг k мартадан камроқ кўпайишига сабабчи бўлади.

Ишлаб чиқариш функцияси параметрларини аниқлашда $a_1 + a_2 = 1$ шarti қўйилса, натижада тармоқ ва тармоқлар гуруҳлари ишлаб чиқаришлари кенгайишининг самарадорлигини кўрсатувчи эластиклик коэффициентиға эға бўлинади, агар $a_1 + a_2 > 1$ бўлса, ўсувчи самарадорлик

¹³ Колемаев В.А. Математическая экономика. Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 1998. - 18 с.

ёки ўсувчи иқтисодиёт, агар $a_1 + a_2 < 1$ бўлса, ишлаб чиқариш корхоналари ҳажмининг ўсиши самарадорликнинг пасайишига олиб келади.

Бундан ташқари a_1 - капитал бўйича ишлаб чиқаришнинг эластиклигини, a_2 - эса меҳнат бўйича ишлаб чиқаришнинг эластиклигини билдиради, шунингдек, $a_1 > a_2$ бўлса, меҳнатни тежовчи яъни: интенсив ўсишни, $a_1 < a_2$ бўлса, капитални тежовчи яъни: экстенсив иқтисодий ўсишни кўрсатади.

Макроиқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси албатта самарадорликка олиб келиши керак. Бу борадаги самарадорлик икки хил бўлиб, булар лимит ва ўртача самарадорликдан иборат.

Лимит самарадорлик x_i - ресурс миқдорининг ўзгаришини ишлаб чиқариш маҳсулот миқдорининг ўзгаришига таъсирини кўрсатади ва i - ресурснинг лимит самарадорлиги $\frac{\dot{Y}}{\dot{x}_i} = v_i$ ўғ, $i = \overline{1, n}$ га тенг бўлади.

Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ресурсларнинг **ўртача самарадорлиги** (ўртача фонд ёки капитал қайтими $\frac{Y}{K}$, ўртача меҳнат унумдорлиги $\frac{Y}{L}$) тушунчаси изоҳлаб беради ва у $\mu_i = \frac{f(x)}{x_i}$ га тенг бўлади.

Шунингдек, $0 < \alpha < 1$ бўлганда лимит самарадорлик ўртача самарадорликдан кичик бўлади.

Агар биз, i -чи ресурснинг лимит самарадорлигини ўртача самарадорликка бўлсак, у ҳолда ялпи ишлаб чиқаришнинг харажатлар ўзгаришига нисбатан эластиклик коэффициентига эга бўламиз:

$$\varepsilon_i(x) = \frac{v_i}{\mu_i} = \frac{x_i \dot{Y}}{f(x) \dot{x}_i}.$$

Ҳосил бўлган ушбу қиймат ишлаб чиқаришнинг

ўзгаришини характерлайди ва у ресурс харажатлари 1 % ортганда, ишлаб чиқариш ҳажми қанча фоизга ошишини кўрсатади. Шунингдек, битта i -чи ресурс миқдорини кўпайтириб, қолган ресурсларни ўзгартирмаганда, бу ресурсдан фойдаланишнинг лимит самарадорлиги ошмайди ва у “**камаювчи лимит самарадорлик**” қоидаи дейилади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг ўзгариш масштабини характерлайдиган ишлаб чиқариш эластиклиги тушунчаси ҳам борки, у x -ресурснинг структураси ўзгармасдан, ишлаб чиқариш харажатлари 1 % га ўзгарганда, маҳсулот ишлаб чиқарилиши неча фоизга ўзгаришини ифодалайди: $\varepsilon(x) = \lim_{t \rightarrow 1} \frac{t}{f(tx)} \cdot \frac{\partial f(tx)}{\partial x}$. Бунда t скаляр кўпайтувчи бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ресурс харажатлари пропорционал ўзгарганда у tx ишлаб чиқариш ҳажми қай даражада ўзгаришини ифодалайди.

Таъкидлаш лозимки, муайян бир тармоқни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тадқиқ этишда мазкур тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, шундай тармоқ сифатида аграр соҳа - ернинг чекланганлиги, нисбатан ўзгармас технология, барқарор аҳолининг юқори ўсиш суръатлари, доимий меҳнат ва ер муносабатларининг оғирлиги, ортиқча меҳнат ресурсларини талаб этиши билан ажралиб туради. Мазкур вазиятда **қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** қуйидагига тенг бўлади¹⁴:

$$Y_{agro} = e^{\int \eta dt} \cdot A^{\mu}; \quad \eta = f(\psi), \quad \eta \geq 0.$$

Бунда, Y_{agro} - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, A - аграр меҳнат ресурслари, μ - меҳнат бўйича ишлаб чиқариш эластиклиги, η - аграр соҳада янгиликнинг жадаллашув функцияси, ψ - тармоқлараро савдо шарти (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бирлигига алмашиш орқали олинган саноат товарлари миқдори).

Бунда: $\eta = f(\psi)$ - аграр соҳада банд бўлганлар меҳнат унумдорлигининг ўсиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозор баҳоси даражасидан боғлиқлигини ифода этади.

Демак, юқоридаги макроиктисодий функцияда инновация омили ёки бевосита илмий-техник тараққиёт каби кўрсаткичлар назарда тутилмайди. Ваҳоланки, иқтисодий ўсишда ишлаб чиқариш ресурслари ҳажмини

¹⁴Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики: учебник / Р.М. Нуреев. - 2-е изд., перераб.и доп. - М.: Норма, 2008. -98 с.

кўпайтириш билан бир қаторда техника ва технологияни такомиллаштириш, ишчилар малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва зиддиятли жараён ҳисобланиб, у асосан иқтисодий ўсишда намоён бўлади. Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ўз ифодасини топади.

2. Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи “70 катталиқ қоида” ёрдамида ҳам очиқ бериш мумкин. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади.

3. Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: таклиф омиллари ва тақсимлаш омиллари. Таклиф омилларига табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми; технология ва фан-техника тараққиётини киритиш мумкин.

Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлашга хизмат қилувчи омиллар тақсимлаш омиллари дейилади.

4. Иқтисодчи олимларнинг иқтисодий ўсиш омилларини ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башорат қилиш борасидаги тадқиқотлари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келди.

Бу моделлар ўз мазмунига кўра бир-бирларидан фарқлансада, уларнинг асосида иккита назария - макроиқтисодий мувозанатнинг

кейнсча (кейинчалик неокейнсча) назарияси ҳамда ишлаб чиқаришнинг классик (кейинчалик неоклассик) назарияси ётади.

5. Кобб-Дугласнинг макроиктисодиётдаги ишлаб чиқариш функцияси мамлакатдаги ялпи ишлаб чиқаришни экстенсив ёки интенсив характерда эканлигини кўрсатиб беради. Бирок, ушбу макроиктисодий функцияда инновация омили ёки бевосита илмий-техник тараққиёт каби кўрсаткичлар назарда тутилмайди.


2-БОБ: ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

2.1 Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш омиллари ва улар динамикасининг макроиктисодий таҳлили

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келган ва бугунги кунда сақланиб қолаётган жиддий муаммолар мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўзига хос синовга айланди. Хусусан, мазкур муаммолар қаторида энг аввало ҳамон инсониятга ўзининг салбий таъсир оқибатлари билан жиддий таҳдид солиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни тилга олиш ўринлидир.

Европа Иттифоқи томонидан ҳудуддаги молиявий инқироз келтириб чиқараётган турли оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган институционал механизмларни яратиш борасидаги чора-тадбирларга қарамай 2012 йилда Жанубий Европанинг тўртта мамлакати – Италия, Испания, Португалия ва Грецияда ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилади. Евроҳудуддаги ЯИМнинг пасайиши 0,3% ни, Европа Иттифоқи бўйича эса 0,2% ни ташкил этади¹⁵. Ривожланган мамлакатлардаги ЯИМ ўсиш суръатларидаги беқарорлик ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари давом этаётганлигини кўрсатади (2.1-расм).

¹⁵Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>




2.1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга % да)

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “2013 йилда жаҳон иқтисодий ҳолати ва истикболлари” (World Economic Situation and Prospects 2013) мавзусидаги навбатдаги йиллик маърузасини тақдим этди. Мазкур ташкилотнинг баҳосига кўра, МДХ мамлакатлари иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бориб, бу узоқ муддатли тренд ҳисобланади.

2012 йилда МДХ мамлакатлари ва **Грузиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари** тахминан 3,8% ни ташкил этиб, бу потенциал кўрсаткичдан анча пастдир. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, МДХ мамлакатларининг асосий иқтисодий ҳамкори бўлган Европа мамлакатлари иқтисодиётининг беқарорлигидир¹⁶.


Глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг республикамиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносиблик таъминланди (2.2-расм).

¹⁶Шохина Е. Всеобщая вялость // <http://expert.ru/2013/01/22/vseobschaya-vyalost/>



2.2-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, (% да)¹⁷

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди. Бироқ, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминламоқда (2.3-расм).



2.3-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар¹⁸

Мазкур омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 трлн. сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (2.2-жадвал).

Жадвалдан кўринадик, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 трлн. сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди.

2.2-жадвал

Ўзбекистон асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, (% да)

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9

¹⁸ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: ЎзР Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node>

айланмаси						
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чоратadbирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

2.3-жадвал

Ўзбекистонда ресурслардан самарали фойдаланиш индикаторлари¹⁹

Индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Мехнат унумдорлиги	%	98,0	104,5	104,5	106,8	106,0	105,3	105,7	105,2
Капитал қайtimi	%	93,9	102,4	101,6	102,2	96,1	89,3	86,5	90,8
Энергия қайtimi	%	101,4	105,7	105,4	107,1	106,3	104,8	106,2	106,4
Материал қайtimi	%	102,7	103,5	99,7	102,3	108,7	102,2	101,8	101,0
Ҳосилдорлик	%		108,0	101,6	102,9	102,2	103,7	104,2	103,4


2000-2011 йилларда миллий иқтисодиёт ривожланишининг барча макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари капитал қайтимини истисно қилганда яхшиланди. Жумладан, меҳнат унумдорлиги ва энергия қайtimi кўрсаткичлари тез суръатлар билан ривожланиб ЯИМ ўсиш манбалари таркибида интенсив ўсиш омилларини улушини ортиб бораётганлигини ифодалайди.

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлили кўрсатишича инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликни юқори суръатлари асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

жадаллаштириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибини тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобига эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиётни эркинлашувини чуқурлашуви ва миқёсини кенгайтириш, валюта бозорини барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 22067,0 млрд. сўмни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 млрд. сўми (2.4-расм) бевосита ишлаб чиқариш мақсади учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 млрд. сўми ноишлаб чиқариш соҳаларига жойлаштирилган.




2.4-расм. Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, (млрд. сўм)

2000 йилдан бошлаб иқтисодиётга сарфланаётган инвестицияларни ҳажми ортиб, молиялаштириш манбалари таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мустақиллик йилларида нодавлат секторни шаклланиши давлатга инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган харажатларни кескин қисқартириб бўш қолган молиявий маблағларни ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни самарадорлигини ошириш имконини берди.

Соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, диверсификациялаш натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали инвестицион маблағлар (ички ва ташқи) жалбэтилмоқда. Айниқса, инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш республика иқтисодиётини бир текисда ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Хусусан, 2011-2015 йилларда банклар кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган жами 1084,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳалари мутаносиб равишда – геология, иссиқлик энергияси мажмуаси, кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия саноатидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 37,3 фоиз (405,2 млн. АҚШ доллари), машинасозлик, электротехника ва авация саноати мажмуасини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 18,1 фоиз (195,7 млн. АҚШ доллари), қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга 6,4 фоиз (69,8 млн. АҚШ доллари), коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустриясини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 9,3 фоиз (101,2 АҚШ доллари), таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 4,7 фоиз (51 млн АҚШ доллари), макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 24,1 фоиз (261,1 млн. АҚШ доллари) тақсимланиши белгиланган²⁰.

²⁰ Аҳмедов Ҳ. Инвестициявий кредитлашда диверсификациялашнинг аҳамияти. “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2012 йил, № 09 (184).



2.5-расм. Ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, (млрд. сўм)

Мамлакатда капитал омили асосидаги хорижий ва миллий инвестициялар солиштирилганда, хорижий секторда капитлаинтенсивлиги ўта юқори эканлиги намоён бўлмоқда. Яъни, хорижий сектор капитал талаб ишлаб чиқаришни акс эттираётган бўлса, миллий сектор меҳнатталаб ишлаб чиқаришни акс эттирмоқда. Тадқиқотларга кўра хорижий секторда ўртача капиталинтенсивликнинг нисбий даражаси 20,73 бирликка тенг. Миллий секторда эса, ушубу кўрсаткич 0,79 бирликка тенг бўлган. Хорижий секторнинг нисбий кпителинтенсивлик даражаси миллий сектордаги ҳолатидан 26,2 марта ортиқ. Демак, миллий секторда ҳам капиталинтенсивлик даражасини ошириш лозим²¹.

Шунингдек, ушбу даврда хорижий инвестицияларнинг ўрни ортиб бормоқда ва улар ҳиссасига инвестицияларни 22 фоизи тўғри келмоқда. Хориждан жалб қилинаётган инвестицияларни 79 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, ушбу инвестициялар манбаи инвестицион фаолиятни молиялаштириш билан биргаликда трансферт ва янги илғор технологияларни ўзлаштириш ишлаб

²¹ Мадрахимов У. Иқтисодий ўсишга омиллар самарадорлигининг таъсири. “Бозор, пул ва кредит”/07 (182), 2012 йил.

чиқаришни ташкил этишни замонавий методларини ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

2.4-жадвал

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (% да)

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

Миллий иқтисодиётни ўсишини муҳим омилини ички талаб ташкил этади. Жумладан 2008-2012 йилларда пировард истеъмол харажатларини ЯИМни фойдаланиш таркибидаги улуши 64,6% дан 68,0% гача ёки 3,4 пунктга ортди.

“Келгуси йилларда ички талабни ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги беқарорлик шароитида бундай ёндошув иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг барқарорлаштирувчи ва рағбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутди”²².

Иқтисодиёт таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- 2012 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 83,6% дан ортиқроқ бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийиб 100%и нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ўз

²² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120 б.

навбатида 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 54,6%га етди;

- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3%дан 2012 йилда 52,0%га ўсди ҳамда 1991-2012 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11%дан 24%га ўсди;

- 1991 йилда экспорт товар таркибининг қарийиб 90%ни хом-ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийиб 70%ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.

2011-2015 йилларда ЯИМни йилига 8 фоиздан ортиқ бўлган даражадаги барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, умуман 2011-2015 йиллар давомида уни ҳажми 1,5 баробар, харид қобилияти паритети бўйича эса 1,6 баробар ҳисобидаги ўсишга эришиш кўзда тутилмоқда.

2.2 Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ялпи таклиф омиллари ва уларни эконометрик моделлаштириш

Иқтисодий ўсиш моделлари асосий эътиборини мамлакатдаги ялпи таклифга қаратади. Жумладан, ялпи таклиф - макроиқтисодиётда муайян давр мобайнида ишлаб чиқарилган қиймат ифодасидаги пировард товар ва хизматларнинг умумий миқдори ҳисобланади ҳамда унинг қиймати ялпи ички маҳсулотга тенг бўлади. Шунингдек, ялпи таклиф таркиби асосан мамлакатда мавжуд тармоқлар улуши асосида шаклланади, ҳамда унинг ҳажми экзоген ва эндоген омиллар таъсири остида ўзгариб туради.

Ўзбекистон иқтисодиётида тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш асосида мамлакатда ялпи таклиф омилларининг тармоқлар тақсимоти орқали уларни самарадорлик даражасини янада тўлиқроқ ўрганиш имконияти мавжуд бўлади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва экспорт салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламдаги чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди.


Жумладан, Ўзбекистонда 2000-2012 йиллар оралиғида деярли барча тармоқларда ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркибида мунтазам ўсиш кузатилган бўлиб, жумладан, саноатда 2000-2012 йилларда ўртача физик ўсиш 4922,3 млрд.сўмни, қишлоқ хўжалигида 4863,2 млрд.сўмни, қурилишда 1362 млрд.сўмни, транспорт ва алоқада 2607,1 млрд.сўмни ҳамда савдода 2108,5 млрд.сўмни ташкил этган.

Ушбу йиллар оралиғида ялпи ишлаб чиқариш таркибида саноат ва қишлоқ хўжалигининг ўртача физик ўсиши юқори кўрсаткичларни қайд этган бўлса, савдо ва қурилишнинг ушбу йиллардаги ўртача физик ўсиши бошқа тармоқларга нисбатан паст кўрсаткичларни ифода этди.

Мамалакат миқёсидаги ялпи ишлаб чиқаришда тармоқларнинг ўртача физик ўсиш ҳажми мазкур тармоқлардаги ишлаб чиқариш фаолиятига реал баҳо бера олмайди. Чунки, бунда айрим йилларда тармоқларда ўртачадан юқори ишлаб чиқариш кузатилса, айрим йилларда эса, паст ишлаб чиқариш ҳажмлари кузатилиши мумкин. Шунинг учун, мамлакат миқёсида ялпи ишлаб чиқариш таркибида тармоқларнинг ўсиш суръатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича 2000-2012 йиллар оралиғида ялпи ишлаб чиқариш таркибида саноатнинг улуши мунтазам равишда ўсиб борган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши эса, ушбу йиллар оралиғида мунтазам равишда пасайиб борган.

Шунингдек, саноатнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши 2000 йилда жамига нисбатан 14,2 % ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 23,9 % ни ташкил этиб, жумладан, 2010 йилда 2000 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич 9,7 % га ўсган.



2.6-расм. Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқариш манбалари ва омиллари боғлиқлигининг мажмуавий тизими²³

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги 2000 йилда ялпи ишлаб чиқариш таркибида 30,1 % ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 17,5 % ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши 2010 йилда 2000 йилга нисбатан 12,6 % га қисқарган бўлса, саноат тармоғининг ялпи ишлаб чиқаришдаги роли эса ортиб борган.

Шунингдек, назарда тутилаётган йилларда қурилишнинг ялпи ишлаб чиқариш таркибидаги улуши 4,7 % дан 7,4 % ораликда, транспорт ва алоқанинг ушбу йиллардаги улуши 7,5 % дан 12,7 % ораликда ҳамда савдо улуши 8,8 % дан 11,7 % ораликларда тебраниб турган.

Бизга маълумки, иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг содир бўлиши учун ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат омили ўзаро муносабатда

²³Муаллиф томонидан тузилган.

бўлиши лозим. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларининг ортиши билан бандликнинг ўсишига ва аксинча, ишлаб чиқариш воситаларининг камайиши ишсизликнинг ортишига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши эса асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ўсиши билан асосланади. Демак, инвестицияларнинг ўсиши натижасида янги иш ўринлари ташкил этилиб, иш билан бандлик даражаси ортади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ЯИМ ва ишлаб чиқариш омиллари ҳажмининг ўсиш суръатларини барқарор ҳолатда сақланиб қолиниши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида бандлар сонининг ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши макроиқтисодиётда стратегик ривожланиш имкониятини берди (2.5-жадвал). Жумладан, Ўзбекистонда 2000-2012 йиллар оралиғида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми мунтазам равишда ўсиб бориб, 2000-2001 йилларда ушбу кўрсаткич 576,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2009-2012 йилларга келиб мазкур кўрсаткич 2877,2 млрд.сўмни ташкил этди.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан ҳисобланган иқтисодиётда бандлар сони 2000-2012 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми билан бир қаторда мунтазам равишда ўсиб бориш характерини намоён этди. Жумладан, 2000-2001 йилларда иқтисодиётда бандлар сони 153 минг кишига ортган бўлса, 2009-2012 йилларга келиб ушбу кўрсаткич 300 мингдан ортиқ кишини ташкил этди.

2.5-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқариш омилларининг ҳажми²⁴

Йиллар	ЯИМ (амалдаги нархларда)	Асосий капиталга киритилган инвестициялар (амалдаги нархларда млрд.сўм)	Иқтисодиётда банд бўлганлар (минг киши)
2000	3255,6	744,5	8983,0


²⁴ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари.

2001	4925,3	1320,9	9136,0
2002	7450,2	1526,6	9333,0
2003	9843,5	1927,0	9589,0
2004	12261,0	2629,0	9910,6
2005	15923,4	3165,2	10196,3
2006	21124,9	4041,0	10467,0
2007	26190,0	5903,5	10735,4
2008	36839,4	9555,9	11035,4
2009	48097,0	12531,9	11328,1
2010	61831,2	15409,1	11628,4
2011	77750,6	18291,3	11919,1
2012	96600,4	19410,3	12200,1

Макроиктисодиётда бир вақтнинг ўзида ҳам асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ҳам иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ортиши мамлакат миқёсида реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келади. Аммо, макроиктисодиётда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ҳамда иқтисодиётда бандлар сонининг ўсиш суръатлари 2000-2011 йиллар оралиғида бир текисда ўсиб боровчи кўрсаткичларни ифодаламайди (2.7-расм).

2000-2011 йилларда Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръатлари кескин тенденцияланиш характериға эға бўлиб, жумладан, ушбу кўрсаткич 2000 ва 2001 йиллар оралиғида мос равишда 1,0 % ва 4,0 % ни, шунингдек, 2002, 2003, 2004 йилларда мос равишда 3,6 %, 4,8 %, 7,3 % ли ўсиш суръатларини намоён этган бўлса, 2002 йил, 2005 йил ҳамда 2010 йилларда мазкур кўрсаткич мос равишда 3,6 %, 5,7 % ва 9,2 % ли ўсиш суръатларини ташкил этиб, пасайиш характериға эға бўлди.

Шунингдек, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2007 йилда 25,8 % ни, ҳамда 2008 йилда 34,1 % ни ташкил этиб, кескин ўсиш суръатларини ифода этган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 24,8 % ни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан кескин пасайиш суръатини намоён этди.



2.7-расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш омилларининг ўсиш суръатлари динамикаси²⁵

2000-2011 йилларда иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонининг ўсиш суръатлари асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръатларидан фарқли ўлароқ кескин тенденцияланиш характериға эға бўлмади. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2000 йилдан 2004 йилгача ўсиб борган бўлса, 2005 ва 2007 йиллар оралиғида мазкур кўрсаткич пасайиб борди. Шунингдек, иқтисодиётда бандлар сонининг ўсиш суръати 2008 йилда 2,8 % ни ташкил этган бўлса, 2009 ва 2010 йилларда ушбу кўрсаткич 2,7 % ни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан ўзгаришсиз қолди.

Ўзбекистонда инвестиция омилининг таъсири натижасида ЯИМ таркибидаги капитал ва меҳнатнинг улуши ҳамда самарадорлигини қай даражада эканлигини эконометрик усул билан баҳолаш мумкин. Ушбу назарда тутилган эконометрик усул ишлаб чиқаришнинг моддий асосини моделлаштириш имкониятини беради ҳамда макроиқтисодий даражадаги ишлаб чиқаришда бирор омилсиз натижани ҳосил қилувчи шароит юзага чиқа олмаса, унинг тенгламаси мультипликатив кўринишга эға бўлади²⁶:

²⁵ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари.

²⁶ Gujarati D.N. Basic econometrics. 3rd ed. - Singapore.: McGraw-Hill, 1995. -223 p.

$$Y_i = \beta_1 X_{2i}^{\beta_2} X_{3i}^{\beta_3} e^{u_i}, \beta_2 > 0, \beta_3 > 0.$$

Ушбу модел Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси деб номланиб, бунда: Y_i - ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИМ), X_2 - иқтисодиётда бандлар, X_3 - капитал, u - тасодифий ҳодиса, e - натурал логарифм асосини ифода этади.

Шунингдек, амалиётда мультипликатив шаклдаги эконометрик моделнинг параметрларини тўғридан-тўғри аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, юқоридаги ишлаб чиқариш функциясини иккала томонини логарифмлаб оламиз ва уни чизиқли кўринишга келтирамиз. Бундай ҳолда унинг умумий кўриниши қуйидагига тенг бўлади:

$$\ln Y_i = \ln \beta_1 + \beta_2 \ln X_{2i} + \beta_3 \ln X_{3i} + u_i = \beta_0 + \beta_2 \ln X_{2i} + \beta_3 \ln X_{3i} + u_i,$$

$$\text{бунда } \beta_0 = \ln \beta_1.$$

Ўзбекистонда 2000-2011 йиллар оралиғида ялпи ишлаб чиқаришнинг моддий асоси бўйича миқдорий боғлиқликни ўрнатадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги регрессия тенгламасига эга бўламиз:

$$\ln GDP_t = -1.31 + 1.21 \ln Labor_t + 0.07 \ln Capital_t + 0.003t$$

$$t = (-0.61) (2.67) (1.52) \quad (1.99)$$

Бунда, $R^2 = 0.908$, $F_{\text{хак}} = 26.4$, $RSS_{UR} = 0.0007$, $\hat{A} = e^{-1.31} \approx 0.27$, $\hat{A} = 1.21$, $\hat{A} = 0.07$.

Бизга маълумки, омиллар дисперсияси регрессия тенгламасидаги меҳнат ва капитал омилларининг ялпи ишлаб чиқариш тебранишига таъсирини, қолдиқ дисперсия эса аксинча, регрессия тенгламасига киритилмаган омилларнинг ялпи ишлаб чиқариш тебранишига таъсирини характерлайди. Шунинг учун омил ва қолдиқ дисперсияларнинг йиғиндиси умумий дисперсияга тенг бўлади, яъни:

$$y_0^2 = y_{(labor, capital)}^2 + \sigma_{0(labor, capital)}^2 = 0.07267 + 0.000733 \approx 0.008.$$

Меҳнат ва капитал омиллари билан Ўзбекистонда тегишли йиллардаги ялпи ишлаб чиқариш орасидаги боғланиш зичлиги кўп ўлчовли детерминация ва корреляция коэффициентлари билан ўлчанади, яъни бунда:

$$R^2_{(labor, capital)} = \frac{y^2_{(labor, capital)}}{y_0^2} = \frac{0.007267}{0.008} \approx 0.908 \text{ га тенг бўлади.}$$

Мазкур нисбат корреляцион боғланиш кучини характерлаб, кўп ўлчовли детерминация коэффициенти деб аталади ва у ялпи ишлаб чиқариш умумий вариациясининг 90,8 % и меҳнат ва капитал омиллари ҳисобига шаклланганлигини англатади.

Кўп ўлчовли детерминация коэффициентини квадрат илдиз остидан чиқариш натижасида кўп омилли корреляция коэффициенти ҳосил бўлади ҳамда у меҳнат ва капитал омиллари билан ялпи ишлаб чиқариш орасидаги боғланишнинг зичлик даражасини ифодалайди:

$$R_{(labor, capital)} = \sqrt{0.908} = 0.953.$$

Ишлаб чиқариш функцияси параметрларидан кўриниб турибдики, бунда $\beta_2 + \beta_3 = 1.28$ га тенг бўлиб, мазкур ҳолат капитал ва меҳнат харажатларини k мартага оширсак, $(\beta_2 + \beta_3 > 1$ дан катта бўлганда), миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг k мартадан кўпроқ кўпайишига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишнинг k мартадан ортиқроқ кўпайишига олиб келади. Шунингдек, $1.28 > 1$ бўлгани учун миллий иқтисодиётда самарадорлик мавжуд бўлиб, бундан Ўзбекистон иқтисодиёти “тез ўсувчан” иқтисодиёт типига хослиги келиб чиқади.

Маълумки, ялпи ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун кўпроқ инновацион ривожланишга катта эътиборни қаратиш лозимдир. Бунинг учун миллий ишлаб чиқаришга иложи борица юқори технологияни ва фан-техника ютуқларини қўллаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни янада

модернизациялаш ҳамда инновацион ўсиш омилларини жадаллаштириш лозим бўлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, саноатнинг ривожланишида инновацион лойиҳаларни қўллаш натижасида ЯИМ ва умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши сезиларли даражада ошди. Жумладан, Ўзбекистон ЯИМда юқори технологияли ва ўрта юқори технологияли маҳсулотнинг улуши 2000 йилда 3,5 % ни, 2005 йилда 6,5 % ни, 2006 йилда 6,9 % ни, 2007 ва 2008 йилларда 7,2 % ни, ҳамда 2009 йилда эса 6,8 % ни ташкил этди.

Шунингдек, умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши ЯИМда юқори технологияли ва ўрта юқори технологияли маҳсулотнинг улушига нисбатан юқорироқ кўрсаткичларни ифодалаб жумладан, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 6,1 % ни, 2005 йилда 9,4 % ни, 2006 йилда 10,0 % ни, 2007 йилда 11,0 % ни, 2008 йилда 11,4 % ни, ҳамда 2009 йилда 11,6 % ларни ташкил этди.

Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда ЯИМ ва умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши ўсиб борган бўлсада, аммо, бу бизнинг миллий иқтисодиётимизни инновацион ривожлантириш учун етарли миқдорлар деб ҳисоблай олмаймиз.

Мазкур муаммо тўғрисида гап борар экан, Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бу борада “Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз...биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлади”²⁷ деган фикрни таъкидлаб ўтдилар.

²⁷Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 20.01.2013, №14 (5414).

Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, ушбу вазифаларни ҳал этилиши кўп жиҳатдан макродаражада ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланган меҳнат унумдорлиги, капитал самарадорлиги, фонд билан қуролланганлик даражаси, капитал сиғими ва меҳнат сиғими каби интенсив ривожланишни ифода этувчи кўрсаткичларни мунтазам равишда таҳлил қилиб боришни талаб этади (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари²⁸

Йиллар	Капиталнинг самарадорлиги, фонд унуми (сўм)	Капитал сиғими, фонд сиғими (сўм)	Меҳнат унумдорлиги, (млрд.сўм)	Меҳнат сиғими, (млрд.сўм)	Меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси, (млрд.сўм)
2000	4,37	0,23	0,36	2,76	0,08
2001	3,73	0,27	0,54	1,85	0,14
2002	4,88	0,20	0,80	1,25	0,16
2003	4,98	0,20	1,03	0,97	0,21
2004	4,66	0,21	1,24	0,81	0,27
2005	5,03	0,20	1,56	0,64	0,31
2006	5,23	0,19	2,02	0,50	0,39
2007	4,78	0,21	2,63	0,38	0,55
2008	3,95	0,25	3,42	0,29	0,87
2009	3,84	0,26	4,25	0,24	1,11
2010	4,01	0,25	5,32	0,19	1,33
2011	4,10	0,26	5,21	0,18	1,42
2012	4,14	0,28	5,23	0,19	1,44

Таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, капитал унумдорлиги 2005 - 2006 йилларда юқори кўрсаткичларни намоён этган бўлса, 2001 -

²⁸ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

2008 йилларда ҳамда 2009 йилда ушбу кўрсаткич бошқа йилларга нисбатан бироз паст кўрсаткичларни ифода этган.

Мамлакат миқёсида меҳнат унумдорлигининг ошиши иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистонда 2000-2010 йилларда ушбу кўрсаткич мунтазам равишда ўсиб борган. Жумладан, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич ўзининг максимал қийматига эришган.

Меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси ҳам иқтисодиётнинг интенсив ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 2000-2010 йиллар оралиғида мунтазам равишда барқарор ҳолатда ўсиб бориб, 2010 йилга келиб мазкур кўрсаткич энг максимал қийматни ифода этган.

Бизга маълумки, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бевосита меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасига боғлиқ бўлиб, жумладан меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасининг ўсиши ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Мазкур фикрларнинг исботи 2000-2011 йиллар оралиғида Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги ва меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси ўртасидаги регрессия тенгламасида ўз ифодасини топади:

$$\ln(GDP/Labor)_t = 0.23 + 3.81 \ln(Capital/Labor)_t$$

$$t = (2.435) (25.425)$$

$$p \text{ value} = (0.037) (1.083)$$

$$R^2 = 0.986, \quad F_{\text{хак}} = 646.45, \quad RSS_{UR} = 0.361.$$

$$\text{Шунингдек, } a_0 = e^{0.23} \approx 1.26, \quad a_1 = 3.81.$$

Юқоридаги регрессия тенгламаси асосида меҳнат унумдорлигининг энг кичик қийматини таъминлайдиган меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасининг минимал қийматини қуйидагича ҳисоблаб топиш мумкин:

$$(GDP / Labor)_{\min} = \frac{a_0}{a_1} = \frac{1.26}{3.81} = 0.33 .$$

Регрессия тенгламасидаги 3,81 қиймат меҳнатни капитал билан қуролланганлик даражасининг самарадорлигини кўрсатади. Жумладан, мазкур қиймат меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасини бир фоизга ўзгартирганда меҳнат унумдорлиги 3,81 фоизга ўзгариши тўғрисидаги навбатдаги илмий хулосани беради.

Шунингдек, корреляция коэффицентининг квадрати детерминация коэффиценти ҳисобланиб, у меҳнат унумдорлиги умумий ўзгарувчанлигининг 98,6 % и меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасининг ҳиссасига тўғри келишини кўрсатади. Юқоридаги таҳлилдан меҳнат унумдорлигига тасодифий ҳодисаларнинг таъсир даражаси 1,4 % га тенг эканлиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

Биз фақатгина Ўзбекистондаги ялпи ишлаб чиқаришнинг моддий асосинигина моделлаштириб, бу борада тегишли хулосалар чиқардик. Шунингдек, миллий ишлаб чиқаришга таъсир этувчи турли макроиқтисодий омиллар ҳам мавжудки, мазкур омиллар ялпи тақлифни муайян муддатда ижобий ёки салбий томон силжишига сабаб бўлади.

Назарда тутилган омилларнинг энг асосийлари сифатида қуйидагиларни ялпи ишлаб чиқаришга таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

Ялпи ишлаб чиқаришга таъсир этувчи асосий макроиқтисодий омилларнинг жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси²⁹

№	Макроиқтисодий кўрсаткичлар	Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тартиб рақамлари					
		1	2	3	4	5	6
1	Солиқ юки	1					
2	Инфляция суръати	0,673	1				

²⁹Муаллиф ҳисоб - китоблари.

3	Монопол корхоналар сони	0,841	0,864	1			
4	Монопол маҳсулотнинг ЯИМдаги улуши	0,781	0,614	0,650	1		
5	Аҳолининг пул харажатлари	0,459	0,955	0,726	0,388	1	
6	Ялпи ишлаб чиқариш	-0,947	-0,504	-0,687	-0,753	-0,283	1

Омилларнинг жуфт корреляция коэффицентлари таҳлил қилиш орқали биз иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг бир – бирига таъсир йўналишларини аниқлаймиз. Жадвалдаги жуфт корреляция коэффицентлари ўзаро кучли чизиқли боғланган омилларни аниқлаб беради, ҳамда у макроиқтисодий омилларнинг боғланиш меъёрини ўлчайди.

Ялпи ишлаб чиқаришга таъсир этувчи асосий макроиқтисодий омилларнинг жуфт корреляция коэффицентлари матричасидан кўриниб турибдики, барча омилларнинг ўзаро ҳосил қилган жуфт корреляция коэффицентлари -1 дан +1 гача қийматларни қабул қилиб, бунинг натижасига кўра мазкур кўрсаткичлар ўртасида боғланиш кучи намоён бўлмоқда. Шунингдек, ушбу таҳлилда мусбат ишора тўғри боғланиш, манфий ишора эса тескари боғланишни ифода этади.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра барча омилларнинг ялпи ишлаб чиқаришга таъсири тескари бўлиб, хусусан, солиқ юкининг мазкур кўрсаткичга таъсири жуда юқори, монопол маҳсулотнинг ЯИМдаги улушини ялпи ишлаб чиқаришга таъсири сезиларли, инфляция суръати ҳамда монопол корхоналар сонининг мазкур кўрсаткичга таъсири ўртача даражадаги салбий таъсир меъёрини ифода этмоқда.

Корреляцион таҳлил натижалари бизга мазкур кўрсаткичлар ўртасида миқдорий боғлиқликни ўрнатиш имкониятини беради. Шунингдек, ялпи ишлаб чиқаришга таъсир этувчи макроиқтисодий омилларнинг жуфт корреляция коэффицентлари унинг критик қиймати яъни 0,7 дан кичик бўлмаса, бу омиллар ўртасида чизиқли боғланиш кучли ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, юқорида ҳосил бўлган миқдорий муносабатлар корреляцион боғланишлар тизимини ташкил этади, бунда бир моделнинг эндоген ўзгарувчиси навбатдаги моделнинг экзоген ўзгарувчиси сифатида қабул қилинади. Шунингдек, регрессия тенгламалари олдидаги коэффициентлар экзоген омилларнинг самарадорлигини ифода этади ва у экзоген омилни бир бирликка ўзгартирганда эндоген омил неча бирликка ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

2.3 Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ялпи талаб омиллари ва уларни эконометрик моделлаштириш

Маълумки, макроиқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг асосий шартларидан бири бу – **ялпи талаб барқарорлигини** таъминланишидир. Бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам ялпи талаб барқарорлигини таъминлаш, унинг компонентлари улушини кескин тебранишига йўл қўймаслик, ҳамда макроиқтисодий сиёсат усуллари орқали ялпи талабни самарали тартибга солиб туриш ҳар қандай **макроиқтисодий тадқиқотларнинг бош вазифасидир.**

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш эса, кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи макроиқтисодий механизмларнинг такомиллашув даражасига узвий боғлиқдир.

Ялпи талабни барқарорлаштириш макроиқтисодиётда вужудга келадиган айрим номутаносибликларни ўз вақтида олдини олишни ва макроиқтисодий сиёсат воситаларининг таъсирчанлигини оширишда тўсиқ бўла оладиган мавжуд муаммоларнинг аниқланишини ҳамда ушбу муаммоларни самарали ҳал қилинишини талаб этади.

Шунингдек, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ялпи талаб ва унга таъсир этувчи омилларни таснифлаш

хамда улар орасидаги муҳим миқдорий боғланишларни тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади (2.8-жадвал).

Таъкидлаш лозимки, ялпи талаб барқарорлигини таъминлаш борасида мамлакатда олиб борилаётган **пул - кредит сиёсатининг** алоҳида ўрни бор. Жумладан, кейинги йилларда банк тизимида олиб борилган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон миллий иқтисодиёти пул-кредит тизимида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ялпи талабни барқарорлаштириш мақсадида пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари ҳисобланган қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий захиралар нормаси, очик бозордаги операциялар ва валюта курси интервенциялардан самарали фойдаланди.

2.8-жадвал

Ялпи талабга таъсир этувчи асосий макроиқтисодий омиллар³⁰

Омиллар	Суб омиллар
Пул-кредит сиёсати	Пул массаси, фоиз ставкалари: қайта молиялаштириш ставкаси, кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари, мажбурий захиралар нормаси, инфляция, очик бозордаги операциялар, валюта курси, тижорат банкларининг умумий активлари ва капитали, иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми, аҳоли омонатлари
Солиқ-бюджет сиёсати	Солиқ ставкаси, солиқ юки, солиқ тури ва миқдори, бюджет харажатлари ҳажми, трансферт тўловлар, бюджет сальдоси
Ташқи иқтисодий сиёсат	Хорижий инвестициялар, экспорт, импорт, соф экспорт, бож сиёсати, протекционизм сиёсати, валюта сиёсати, жаҳон бозоридаги ҳолат, тўлов баланси сальдоси
Иқтисодиётнинг реал сектори	Асосий капитал ҳажми, ишчи кучи, тармоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажми, ишсизлик, истеъмол, ялпи жамғариш, инвестиция сиёсати

Мамлакатимизда инфляцияга қарши самарали ва изчил чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2012 йилда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлар доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган.


Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан **номонетар омиллар** ҳисобига юз берди (2.8-расм).

Жумладан, ўтган йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди.

Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истеъмол нархлари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди³¹.

2000-2012 йиллар оралиғида Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 2000 ва 2001 йилларда 26,8 %, 2002 йилда 34,5 %, 2003 йилда 20,0 %, 2004 ва 2005 йилларда 16,0 %, ҳамда 2006 йилдан 2010 йилга қадар 14,0 % ни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминланишига хизмат қилди.

³¹ Манба: ЎзР Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>



2.8-расм. Ўзбекистонда 2012 йилда нархлар ўзгаришининг инфляцияга таъсири, (% да)

Жорий йилда мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом эттирилади, **инфляция кўрсаткичлари 7-9 фоизни** ташкил қилади, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси **12 фоиз** даражасида сақланади.

Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни, жаҳон бозоридаги нархлар динамикасини, шунингдек, ички талабни рағбалантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади³².

Ўз навбатида, инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш мақсадида 2013 йилда Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттиради ва ушбу мақсадда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фаол фойдаланади.

Фоиз сиёсатида асосий эътибор пул бозорининг барқарорлигини ва банк депозитлари жозибдорлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб

³² 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. ЎзР. Марказий банки расмий сайти – www.cbu.uz/uzc/node/39959

қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги узоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга қаратилади.

Пул массасининг йиллик ўсиш кўрсаткичлари прогнози ва инфляциянинг 7-9 фоизли мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини 2013 йил давомида 12 фоиз даражада сақлаб туриш режалаштирилмоқда.

Сўнгги йилларда, қайта молиялаштириш ставкасининг 14,0 % даражасида ушлаб турилиши натижасида истеъмол товарлари нархининг кескин ўсишига йўл қўйилмади. Мамлакатдаги баҳоларнинг барқарорлашуви натижасида инфляция суръати ҳам меъёрий даражада бўлиб, жумладан, унинг ўзгариш суръати 2006 ва 2007 йилларда 6,8 % ни, 2008 йилда 7,8 % ни, 2009 йилда 7,4 % ни ҳамда 2010 йилда эса 7,3 % ни ташкил этди. Шунингдек, Марказий банк томонидан миллий валюта барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатининг юритилиши монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини бартараф этишга хизмат қилди.

Тижорат банклари миждозларнинг депозитларига ўрнатилган мажбурий заҳира талаблари муомаладаги пул массасини ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, улар томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида мажбурий заҳиралар нормаси, юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлари учун 2000 йилдан 2004 йиллар оралиғида 20,0 %, 2005 ва 2006 йилларда 15,0 %, 2007 йилда 14,0 %, 2008 йилда 15,0 %, 2009 ва 2010 йилларда 12,0 % миқдорида белгиланди.

Очиқ бозордаги операциялар - муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари ҳамда молия бозори барқарорлигини таъминловчи инструмент бўлиб, унинг самарадорлиги макроиқтисодий ва молиявий барқарорликда, бу эса депозитлар ва фоиз ставкаларининг динамикасида ўз аксини топади. Шунингдек, банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ва кредитлар кўламининг кенгайиши банклараро пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, пул - кредит сиёсатининг макроиқтисодий кўрсаткичлари бир-бири билан бир томонлама ва кўп томонлама ўзаро алоқадорликка эга бўлиб, мазкур алоқадорликни биз уларнинг **жуфт корреляция коэффицентлари матрицасидан** ҳам кўришимиз мумкин (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

Макроиқтисодий ва пул-кредит сиёсати кўрсаткичларининг жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси³³

№	Макроиқтисодий кўрсаткичлар	Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тартиб рақамлари						
		1	2	3	4	5	6	7
1	Инфляция	1						
2	Валюта курси	-0,837	1					
3	Қайта молиялаш ставкаси	0,828	-0,807	1				
4	Мажбурий заҳиралар нормаси	0,520	-0,820	0,743	1			
5	Асосий капиталга инвестициялар	-0,448	0,816	-0,617	-0,781	1		
6	Тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажми	-0,523	0,858	-0,616	-0,774	0,981	1	
7	Ялпи ички маҳсулот	-0,698	0,858	-0,868	-0,855	0,717	0,699	1

Жуфт корреляция коэффицентлари матрицасидан кўриниб турибдики, макроиқтисодий ва пул-кредит сиёсати кўрсаткичларининг


³³ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

ўзаро жуфт корреляция коэффициентлари -1 дан +1 гача қийматларни қабул қилиб, бунинг натижасига кўра мазкур кўрсаткичлар ўртасида боғланиш кучи аниқланмоқда. Шунингдек, ушбу матрицада мусбат ишора тўғри боғланишни, манфий ишора эса тескари боғланишни ифода этади.

Пул-кредит сиёсатида юзага келадиган ўзгаришлар ўз навбатида мамлакатдаги солиқ-бюджет сиёсати кўрсаткичларига ҳам бевосита таъсир этади.

Солиқ-бюджет сиёсати – макроиктисодий тартибга солиш, турли хил ижтимоий вазифаларни бажариш мақсадида солиқларни олиш ва давлат бюджети маблағларини сарф қилиш учун ҳукумат имкониятларидан фойдаланиш даражасидир. Мазкур сиёсатнинг асосий рычаглари бўлиб, солиқ ставкасини ўзгартириш, солиқ солиш базасини, солиқлар турини, сонини, давлат харажатлари ҳажмини ва йўналишини ўзгартириш ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йилда мамлакатимизда солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилганлигига қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилганлиги, эришилган **профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни** ташкил этганлигини таъкидлаб ўтди (2.9-расм).



2.9-расм. Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш

даражаси, (% да)

Расмдан кўринадики, 2000 - 2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини -1,0 фоиздан -0,4 фоиз даражасига қадар пасайтиришга, 2005 - 2008 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга қадар оширишга эришилди.

Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2012 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чоратadbирлар натижасида бюджет даромадлари унинг харажатларидан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,4 фоизи даражасида бўлишига эришилди.

Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни кўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

2012 йилда **солиқ юкини камайтириш сиёсати** давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тadbиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Таъкидлаш лозимки, макроиқтисодиётда солиқ юкининг пасайиши мамлакат миқёсида ялпи инвестицияларнинг ўсишига, бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Шунингдек, ялпи талабнинг барқарор ривожланишида солиқ юкининг ҳажми алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда солиқ-бюджет сиёсатининг стратегик вазифаси ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфраструктурасига давлат молияси орқали мақсадли таъсир этиш, иқтисодиёт таркибини ўзгартириш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Шунингдек, **Ўзбекистонда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий мақсади** давлат бюджетининг даромад ва харажатларини оптималлаштириш, маҳаллий бюджетлар ролини ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Давлат бюджети камомади кўп ҳолларда дискрет фискал сиёсатнинг натижаси бўлиб, уни бошқариш самарадорлиги даромадларнинг йиғилиши ва бюджет мажбуриятларининг бажарилиш даражаси, камомад ҳажми ва бюджет қарзларининг ўсиш суръати, давлат қарзига хизмат қилиш учун ажратилган молия маблағларининг ҳажми, янги маҳсулотнинг монетизация даражаси (пул массасининг ЯММга нисбати), валюта захиралари ҳажми ва динамикаси ҳамда ЯИМ ва бандлик динамикасида намоён бўлади.

Солиқ-бюджет сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг бошқа инструментлари ҳисобланган пул-кредит сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат, ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига ва макроиқтисодий ҳолатга асосан икки йўл билан, яъни солиқлар миқдори ва бюджет тақчиллиги ҳажми билан таъсир этади.

Жумладан, солиқларни камайтириш қисқа муддатда бюджет камомадига олиб келса, узоқ муддатда ялпи талабни оширади, демакки, реал ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, ялпи тақлиф кўпаяди. Солиқ юкининг ошиши эса, аҳоли даромадлари ва жамғармаларнинг камайишига, ҳамда инвестиция ҳажми ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади.

Шунингдек, бюджет камомади ҳам солиқлар каби мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволига кучли таъсир этувчи макроиқтисодий омил бўлиб, унинг оқибати солиқларнинг ошишига, бунинг натижаси

мамлакатдаги ялпи ишлаб чиқариш хусусан, истеъмол товарлари ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг қисқаришига, шу жумладан, хусусий инвестицияларни камайишига, бу эса ялпи талабни қисқаришига олиб келади.

Бундан ташқари бюджет камоммади пировард истеъмолга, кичик бизнес фаолиятига кескин таъсир этади, ҳамда у кераксиз пул эмиссиясига олиб келиб, мамлакатда инфляцияни кучайтириб юборади. Шу жумладан у сифати паст, рақобатбардош бўлмаган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Шунингдек, бюджет камоммади солиқлар миқдорининг ошишига, бунинг оқибати ялпи ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг ортишига ҳамда давлат харажатлари ҳажмининг кўпайишига олиб келади. Юқоридаги фикрлар ўз исботини муайян даражада қуйидаги матрицада ўзининг ифодасини топади (2.10-жадвал).

Мазкур матрицадаги “-” ишора омиллар ўртасидаги тескари муносабатни, “+” ишора эса тўғри боғланишни ифода этади. Шунингдек, 0,1-0,3 гача қиймат омиллар орасида бўш, 0,3-0,5 ўртача, 0,5-0,7 сезиларли, 0,7-0,9 юқори ҳамда 0,9 дан юқори қийматлар жуда кучли боғланиш даражасини ифода этади.

2.10-жадвал

Макроиктисодий ва солиқ-бюджет сиёсати кўрсаткичларининг жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси³⁴

№	Макроиктисодий кўрсаткичлар	Макроиктисодий кўрсаткичларнинг тартиб рақамлари										
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Солиқ юки	1										
2	Бюджет харажатлари	0,96	1									
3	Бюджет даромадлари	0,97	0,97	1								
4	Аҳоли даромадлари	0,72	0,78	0,83	1							
5	Ялпи жамғариш	-0,54	-0,64	-0,53	-0,27	1						
6	Пировард истеъмол	-0,53	-0,62	-0,52	-0,28	0,99	1					

³⁴ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

7	Инфляция суръати	0,76	0,86	0,87	0,94	-0,52	-0,53	1				
8	Ишсизлик даражаси	-0,38	-0,47	-0,33	-0,10	0,85	0,85	-0,32	1			
9	Асосий капиталга инвестициялар	-0,46	-0,55	-0,45	-0,22	0,98	0,99	-0,46	0,87	1		
10	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	-0,61	-0,71	-0,61	-0,34	0,99	0,98	-0,58	0,86	0,97	1	
11	Ялпи ички маҳсулот	-0,55	-0,64	-0,54	-0,29	0,99	0,99	-0,54	0,85	0,99	0,99	1


Мамлакатдаги пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатида юзага келадиган ўзгаришлар жиддий равишда давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

2011-2015 йилларда ЯИМни йилига 8 фоиздан ортиқ бўлган даражадаги барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, умуман 2011-2015 йиллар давомида уни ҳажми 1,5 баробар, харид қобилияти паритети бўйича эса 1,6 баробар ҳисобидаги ўсишга эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсиш барқарорлиги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўрсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади³⁵.

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси **ташқи савдо айланмаси** 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 100,5 фоизни ташкил этиб, 26,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 111,6 фоиз ёки 13,1 млрд. АҚШ долларини, импорт эса 109 фоиз ёки 12,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этди³⁶. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди (2.10-расм).

³⁵ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 119-120 б.

³⁶http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/



2.10-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси,
млрд.долл.³⁷

Диаграммадан кўринадикки, 1990-2012 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 33 марта, экспорт ҳажми 29,8 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикаимиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.

Эконометрик таҳлилларга асосан ҳамда юқорида назарда тутилган макроиқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ва мақсадли макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили натижасида қуйидаги макроэконометрик тенгламалар тизими ишлаб чиқилди:

Пул-кредит сиёсати

$$\begin{cases} \ln qms_t = -0.47 + 0.99 \ln mzn_t + 0.25 \ln inf_t \\ \ln daromad_t = 4.68 + 0.11 \ln inf_t - 0.01 \ln mzn_t \\ \ln invest_t = -11.17 + 1.5 \ln kredit_t + 1.41 \ln daromad_t \\ \ln YaIM_t = 3.17 + 0.88 \ln invest_t - 0.25 \ln qms_t \end{cases}$$

³⁷ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўпلام. — Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

Солиқ-бюджет сиёсати

$$\begin{cases} \ln buddaromad_t = 0.82 + 0.74 \ln budxarajat_t \\ \ln istic_h_t = -2.95 + 0.33 \ln buddaromad_t + 1.21 \ln kredit_t \\ \ln YaIM_t = -0.66 - 0.03 \ln istic_h_t + 1.13 \ln iste'mol_t \end{cases}$$

Ташиқи иқтисодий сиёсат

$$\begin{cases} \ln import_t = 1.33 + 0.76 \ln eksport_t + 0.07 \ln xorinves_t \\ \ln eksport_t = 4.69 + 1.01 \ln sanoat_t - 0.77 \ln kurs_t \\ \ln YaIM_t = 0.71 - 0.03 \ln sofeks_t + 0.99 \ln sanoat_t \end{cases}$$

бунда: inf_t - инфляция суръати (%), qms_t - Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (%), $daromad_t$ - аҳолининг номинал даромадлари (%), mzn_t - Марказий банкнинг юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун мажбурий захиралар нормаси (%), $invest_t$ - асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд.сўм), $kredit_t$ - тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажми (млрд.сўм), $buddaromad_t$ - давлат бюджети даромадлари (ЯИМга нисбатан % да), $budxarajat_t$ - давлат бюджети харажатлари (ЯИМга нисбатан % да), $istic_h_t$ - истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўм), $iste'mol_t$ - пировард истеъмол ҳажми (млрд.сўм), $import_t$ - импорт ҳажми (млн.долл.), $eksport_t$ - экспорт ҳажми (млн.долл.), $xorinves_t$ - хорижий инвестициялар ҳажми (млрд.сўм), $sanoat_t$ - саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўм), $kurs_t$ - сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси (сўм/долл.), $sofeks_t$ - соф экспорт ҳажми (млн.долл.), $YaIM_t$ - ЯИМ ҳажми (млрд.сўм).

Юқоридаги моделлар эконометрик тенгламалар тизимининг рекурсив тизимига мансуб бўлиб, бунда бир моделнинг эндоген ўзгарувчиси навбатдаги моделнинг экзоген ўзгарувчиси сифатида қабул қилинади. Моделлар тизими кичик квадратлар усули ёрдамида баҳоланди ҳамда олинган натижалар ва коэффицентларнинг барқарорлик ва аҳамиятлилик даражалари текширилди (2.11-жадвал).

**Эконометрик тенгламалар тизимидаги коэффициентларнинг
барқарорлик ва аҳамиятлилик даражалари³⁸**

№	Моделлар	Детерминация коэффициенти R^2	Фишер F - Статистика	Стъюдент t - статистика		
				a_0	a_1	a_2
1	Қайта молиялаш ставкаси модели	0,86	26,62	-0,77	4,33	4,06
2	Аҳолининг номинал даромадлар модели	0,90	38,05	34,85	8,29	-0,24
3	Инвестиция модели	0,94	75,61	-1,84	10,96	1,29
4	ЯИМ модели	0,98	312,17	2,93	13,07	-1,25
5	Бюджет даромадлари модели	0,93	124,79	3,92	11,17	-
6	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш модели	0,91	38,89	-0,46	0,21	5,54
7	ЯИМ модели	0,99	1052,58	-0,27	-0,10	3,93
8	Импорт модели	0,97	134,87	1,29	3,96	0,77
9	Экспорт модели	0,98	280,20	18,31	15,75	-7,90
10	ЯИМ модели	0,99	702,51	2,66	-1,16	21,64

Эконометрик тенгламалар тизими асосида олиб борилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатамоқдаки, деярли барча моделлардаги детерминация коэффициентлари юқори бўлиб, улар натижавий макроиқтисодий кўрсаткичнинг умумий вариациясида назарда тутилган омилларнинг таъсир даражаси юқорилигини белгилайди. Жумладан, макроиқтисодий сиёсат кўрсаткичларининг ЯИМга таъсир этиш даражаси юқори бўлиб, улар 0,99 ёки ЯИМ вариациясида 99 % ни ифода этди.

Шунингдек, пул-кредит сиёсатида Фишернинг ҳисобланган қийматлари 312,17 солиқ - бюджет сиёсатида 1052,58 ҳамда ташқи иқтисодий сиёсатда 702,51 қийматларни ташкил этди.

³⁸ Муаллиф ҳисоб - китоблари.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, таклиф этилган эконометрик тенгламалар тизимидаги ҳар бир тенгламанинг эндоген омилларига таъсир этувчи макроиктисодий кўрсаткичлар жуда кўп бўлиб, уларнинг ўзаро жуфт корреляция коэффициентлари 0,7 (**мультиколлинеарлик**)дан юқорилиги сабабли ушбу омиларнинг кўпчилиги мазкур тенгламаларда ўз ифодасини топа олмади.

Бундан ташқари, алоҳида моделга кирувчи ҳамда натижавий макроиктисодий кўрсаткичга кескин салбий таъсир этувчи омиллар бири бири билан ўзаро мультиколлинеарликни ҳосил қилиб, уларнинг натижага таъсир этиш даражаси кескин салбий таъсир этувчи омилга нисбатан пастроқ кўрсаткичларни намоён этди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Эконометрик таҳлилларга кўра, Ўзбекистоннинг истеъмол функцияси $C = 582.42 + 0.67Y_d$ ифодадан иборат бўлиб, бунда миллий даромаднинг бир бирликка ўзгариши пировард истеъмолнинг 0,67 бирлик ўзгаришига олиб келади.

Шунингдек, ҳисоб-китобларимизга кўра Ўзбекистонда даромадларга боғлиқ бўлмаган истеъмол ҳажми 582,42 млрд.сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда истеъмолга чекланган мойилликнинг 0,67 бирликка тенг эканлигидан жамғаришга чекланган мойилликнинг 0,33 бирликка тенг эканлиги келиб чиқади.

2. Таҳлилларга кўра Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг бир фоизга ўсиши ЯИМнинг 3,81 фоизга ўсишини таъминлаб беради. Шунингдек, ялпи ишлаб чиқаришга сарфлар $\beta_2 + \beta_3 > 1$ бўлгани учун мазкур харажатлар самарали ҳисобланиб, у миллий ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги ва меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси ўртасида тўғри боғланиш мажуд бўлиб, унга

кўра меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражасини бир фоизга ўзгариши меҳнат унумдорлигини 3,81 фоизга ўзгаришини таъминлайди.

4. Жуфт корреляция коэффициентлари матрицасида “-” ишора омиллар ўртасидаги тескари муносабатни, “+” ишора эса тўғри боғланишни ифода этади. Шунингдек, 0,1-0,3 гача қиймат омиллар орасида бўш, 0,3-0,5 ўртача, 0,5-0,7 сезиларли, 0,7-0,9 юқори ҳамда 0,9 дан юқори қийматлар жуда кучли боғланиш даражасини ифода этади.

5. Ўзбекистонда 2000 - 2011 йиллар оралиғида эконометрик таҳлилларнинг кўрсатишича, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси ЯИМ ҳажмига кучли таъсир қилиб, уларнинг ўзаро жуфт корреляция коэффициенти - 0,868 қийматни ифода этади.

6. Ҳисоб-китобларимизнинг кўрсатишича, солиқ - бюджет сиёсатининг асосий кўрсаткичи ҳисобланган бюджет харажатлари мамлакатимизда бюджет даромадларининг ўсишига олиб келган. Жумладан, бюджет харажатларининг бир фоизга ўсиши давлат бюджети даромадларининг 0,74 фоизга ўсишини таъминлаб берган. Бундан кўринадики, бюджетдан амалга оширилаётган харажатлар макроиқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

3-БОБ: ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЭКОНОМЕТРИК БАШОРАТЛАШ

3.1 Узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари ва уларни таснифлаш асосида Ўзбекистонда янги иқтисодий ўсиш омилларини шакллантириш

Иқтисодий ўсиш бутун иқтисодиётнинг натижасини кўрсатадиган ва давлатнинг макроиқтисодий фаолиятига хулоса берадиган натижавий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади ва у ЯИМда ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ўсиш одатда реал даромадларнинг ҳамда аҳоли жон бошига реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида намоён бўлади. Иқтисодий ўсишни ўлчашда умумий ва жон бошига реал ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ ўсиши ёки ўсиш суръати каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Бугунги кунда узоқ муддатли иқтисодий ўсиш шартларини асослаш макроиқтисодий тадқиқотларнинг марказий йўналиши бўлиб, у истиқболда ишлаб чиқариш динамикасини шакллантирувчи омилларнинг сабабларини тушунтириш, ундан ўсишнинг янги манбаларини белгилаш ҳамда иқтисодий ўсиш муаммосининг фундаментал топшириқларини самарали ечишга хизмат қилади. Айнан мазкур вазифаларни ҳал этилиши давлатлар ўртасида турли ҳаёт даражаси сабабларини ойдинлаштиришга ҳам катта ёрдам беради.

Дунёдаги глобал ривожланиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи бу - техник тараққиётдир. Шунингдек, ҳозирги кунда иқтисодий ўсишдаги техник тараққиётни асословчи кўп сонли назариялар экзоген ва эндоген типдаги техник тараққиёт тури билан бир - биридан фарқланади (3.1-жадвал).

Умуман, иқтисодий ўсиш моделларини таснифлашдан мақсад мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун қайси омилга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ва қайси моделнинг самарадорлиққа олиб келувчи имкониятлари юқорилигини аниқлашдан иборатдир.

3.1-жадвал

Экзоген техник тараққиётни асословчи иқтисодий ўсиш моделлари³⁹

Муаллиф-лар	Иқтисодий ўсиш моделлари	Техник тараққиётни	Моделлар бўйича бетараф ҳолатлар
-------------	--------------------------	--------------------	----------------------------------

³⁹Данилов - Данильян В.И. Экономико - математический энциклопедический словарь/ Гл. ред. В. И. Данилов - Данильян. - М.: Большая Российская энциклопедия: Издательский Дом "ИНФРА - М", 2003. - 688 с., манба асосида муаллиф томонидан тузилган.

		асословчи кўрсаткич	
Хикс	$Y_t = (1 + \eta)^t K_t^\alpha L_t^{1-\alpha}$	η - капитал ва меҳнат унумдорлиги	K, L - ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнат омили
Харрод	$Y_t = K_t^\alpha [(1 + \lambda)^t L_t]^{1-\alpha}$	λ - меҳнатнинг унумдорлиги	K, L - ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнат омили
Р.Солоу	$Y_t = L_t^{1-\alpha} [(1 + \mu)^t K_t]^\alpha$	μ - капиталнинг унумдорлиги	K, L - ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнат омили
Я.Тинберген	$Y = AK^a L^b e^{yt}$	e^{yt} - вақт омили	K, L - ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнат омили
Дж.Мид	$Y = ak + bL + r$	r - техник таракқиёт суръати	Y - миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиш суръати, k - капиталнинг ўртача йиллик ўсиш суръати, L - меҳнатнинг ўртача йиллик ўсиш суръати, a - миллий даромадда капиталнинг улуши, b - миллий даромадда меҳнатнинг улуши
К.Эрроу, Х.Ченери, Б.Минал, Р.Солоу, Бруно, Минхаса	$Y = a_0 e^{it} [\delta K^{-p} + (1 - \delta) L^p]^{-\frac{1}{p}}$	e^{yt} - вақт омили	Y - CES функция (constant elasticity of substitution – ресурслар алмашишининг ўзгармас эластиклик функцияси), δ - ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда меҳнат ва капитал омилларининг қатнашиш нисбатининг параметри, h - ишлаб

			чиқариш омилларида олинадиган умумий фойда
Ньюмен-Рид	$Y = AK^{\alpha} L^{1-\alpha} \exp V \log L \log K$ $0 < \alpha + V \log L < 1$, $0 < \beta + V \log K < 1$	A - капитал ва меҳнатнинг умумий самарадорлиги	K, L - ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнат омили
Фергюсон-Пфутс	$Y = AK^{1-\alpha} L^{\alpha} \exp \beta L$	A - капитал ва меҳнатнинг умумий самарадорлиги	K, L - ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнат омили

Экзоген иқтисодий ўсиш моделларининг моҳияти шундаки, бунда ўсишнинг асосий манбаи одатда капитал ва меҳнат ҳамда омиллarning умумий самарадорлиги билан изоҳланади. Шунингдек, мазкур моделларда техник тараққиётни асословчи кўрсаткич сифатида “вақт омили”дан ташқари бошқа қўшимча омил киритилмайди.

Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш омилларида тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда қандай қилиб ишлаб чиқариш қувватларини ёки ЯИМнинг реал ҳажмини ошириш мумкинлиги, шу жумладан, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан, илғор технология ва инновация омилидан оқилона фойдаланиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисидаги долзарб муаммолар турли иқтисодий ўсиш моделларини юза келишида сабабчи бўлди.

3.2-жадвал

Эндоген техник тараққиётни асословчи иқтисодий ўсиш моделлари⁴⁰

Муаллиф-лар	Иқтисодий ўсиш моделлари	Техник тараққиётни асословчи кўрсаткич	Моделлар бўйича бетараф ҳолатлар
Г.Мэнкью, Д.Уэйл	$Y(t) = K(t)^{\alpha} H(t)^{\beta} [(A(t)L(t))]^{1-\alpha-\beta}$	Инсон капитали ҳажми	k^{α} - физик капитал, h^{β} - инсон капитали
Е.Дюфло	$\ln w_i = \alpha + \beta \cdot X_i + \delta \cdot S_i + u_i$	Таълимдаги иш	X_i - иш тажрибаси,

⁴⁰Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики: учебник / Р.М. Нуреев. - 2 - е изд., перераб.и доп. - М.: Норма, 2008. - 640 с. ва Емельянов А.С. Экономика и прогнозирование. - М.: Экономика, 1995. - 41 с., манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

		ҳақининг ўсиши	S_i - таълимдан қайтим
Р.Лукас	$Y(t) = K(t)^{1-\alpha} [u h(t) L(t)]^{1-\alpha} (h_\alpha(t))^\alpha$	u - инсон капиталини яратишда меҳнатга харажатларнинг улуши, $h(t)$ - инсон капиталининг захираси	$h_\alpha(t)$ - вақтнинг t моментида бугун иқтисодийёт бўйича инсон капиталининг ўртача даражаси
П.Ромеро	$Y_t = [(1 - a_K K(t))^\alpha [A(t)(1 - a_L)L(t)]^{1-\alpha}]^{1/\alpha}$	a_K, a_L - капитал ва меҳнатнинг захира қисми	a_K, a_L - капитал ва меҳнатнинг захира қисми бўлиб, қайсики у янги билимларни ишлаб чиқариш сифатида капитал ва меҳнат захираси миқдоридан боғлиқдир
Эрроу-Шешинск	$Y = F(wL, K)$	K - асосий капиталдан фойдаланиш бўйича таълим	w - меҳнатнинг самарадорлик коэффициенти
Та Чунг Ли-Хильдебранд	$Y = AK^{\alpha \ln Z} L^{\beta \ln M}$	M - умумий бандлар сонидан юқори малакали ходимларнинг улуши	Z - умумий ҳажмдан капитал фаол қисмининг улуши
С.М.Вишнев	$P = AK^\alpha L^\beta Q^\gamma R^\mu$	Q - таълимга ва маълумотлилиқни оширишга харажатлар, R - тадқиқотларга харажатлар	P - тугал миллий маҳсулот, K - ишлаб чиқариш фондлари, L - материал ишлаб чиқариш соҳасида бандлар, $A, \alpha, \beta, \gamma, \mu$ - маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эластиклик коэффициентлари

Маълумотларга кўра, 2010 йилда жами харажатларнинг 21,7 % дан 13,1 % харажатлар ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлашга йўналтирилган. Бундан маорифга 7,3 %, соғлиқни сақлашга 2,8 %, маданият ва спортга 0,2 %, фанга 0,1 %, оилаларга ижтимоий нафақалар эса 2,1 % ни ташкил этди. Бундан ташқари, таълимга харажатлар ҳар йили Ўзбекистон ЯИМнинг 8 - 9 % ни ташкил қилмоқда.

Юқоридаги иқтисодий ўсиш моделларини ва Ўзбекистонда мазкур соҳада эришилган натижаларни умумлаштирган ҳолда биз мамлакатда макроиқтисодий омиллар ялпи самарадорлигини баҳолаш имкониятига эга

бўламиз. Бу эса мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатининг давомийлигини мунтазам таъминлаб бориш имкониятини беради.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда 2000 - 2011 йилларда эришилган иқтисодий ўсиш омилларининг ялпи ўсишдаги улуши тебраниш характерига эга бўлган. Шу йиллар оралиғида ЯИМнинг суръати мунтазам равишда ўсган бўлса, физик капитал 2000 йилда 0,23 %, 2002 йилда 0,72 %, 2005 йилда 1,14 %, 2009 йилда 6,45 %, 2010 йилда эса 2,3 % ларни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан пасайиш характерига эга бўлган, ҳамда ушбу кўрсаткич 2001 йилда 1,08 %, 2003 йилда 0,96 %, 2004 йилда 1,53 %, 2006 йилда 1,77 %, 2007 йилда 5,93 %, 2008 йилда эса 8,87 % ларни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан ўсиш характерига эга бўлган. Ушбу кўрсаткич 2008 йилда ўзининг максимал суръатини акс эттириб 8,87 % ни ташкил этган.

Шунингдек, меҳнат омили капитал омили сингари тебраниш характерига эга бўлиб, жумладан у 2000 - 2004 ва 2008 ва 2010 йилларда ўсиш тенденциясини ифода этган бўлса, 2005 - 2007 йилларда эса, олдинги йилларга нисбатан пасайиш характерига эга бўлган. Инсон капитали 2006 - 2010 йиллар оралиғида мунтазам ўсиш характерини намоён этган (3.3-жадвал).

Ўзбекистонда 2000 - 2011 йилларда эришилган иқтисодий ўсиш суръатидаги физик капитал, меҳнат ҳамда омиллар умумий самарадорлигининг (*TFP*) улуши тебранувчи тенденцияни ифода этган.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2000 - 2010 йиллар оралиғида ўртача ўсиш суръати 6,65 % га тенг бўлган бўлса, ундан ўртача 2,82 % физик капиталга, 0,09 % инсон капиталига, 1,64 % ўртача меҳнатга ва 2,1 % ўртача омилларнинг ялпи унумдорлиги ҳиссасига тўғри келган.

3.3-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш таркибидаги омиллар улуши⁴¹

⁴¹ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб - китоблари.

(% ҳисобида)

Йиллар	ЯИМ ўсиш суръати	Омилларнинг ялпи ўсиш суръатидаги улуши			
		Физик капитал	Инсон капитали	Меҳнат	Омиллар ялпи унумдорлиги <i>TFP</i>
2000	3,8	0,23	0,06	0,70	2,81
2001	4,2	1,08	0,06	1,04	2,02
2002	4,0	0,72	0,06	1,50	1,73
2003	4,2	0,96	0,05	1,86	1,32
2004	7,4	1,53	0,09	2,31	3,47
2005	7,0	1,14	0,09	2,00	3,77
2006	7,5	1,77	0,09	1,89	3,76
2007	9,5	5,93	0,10	1,74	1,72
2008	9,0	8,87	0,12	1,76	-1,75
2009	8,1	6,45	0,13	1,65	-0,12
2010	8,5	2,30	0,14	1,67	4,39
2011	8,3	2,41	0,16	1,64	4,09

Ҳисоб – китобларга кўра, омиллар умумий самарадорлиги (*TFP*) 2000 - 2003 йиллар оралиғида мунтазам пасайиш характериға эға бўлган бўлса, 2004 - 2005 йиллар оралиғида ўсиш характериға эға бўлиб, 2006 йилдан бошлаб яна пасайиш тенденциясини ифода этган. Ушбу кўрсаткич 2008 йилда - 1,75 % ни ташкил этиб, у ўзининг энг минимал қийматиға эришган бўлса, 2010 йилда 4,39 % ни ташкил этиб, у ўзининг максимал қийматиға эришган.

Шунингдек, 2008 йилда омиллар ялпи унумдорлигининг минимал қийматиға эришишининг асосий сабабини биз дунё иқтисодиётида юзаға келган молиявий - иқтисодий инқироз ҳолати билан асослашимиз мумкин.

Ўзбекистонда 2008 - 2009 йилларда $TFP \rightarrow \min$ бўлгани учун иқтисодий ўсиш кўпроқ капитал ва меҳнат омили унумдорлигининг ўсиши ҳисобиға содир бўлган.

Демак, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш учун омилларни миқдорий эмас, балки, омиллар ялпи самарадорлигини ошириш чора - тадбирларини кўриш лозимдир. Бунинг

учун миллий иқтисодиётида инновацион жараёнларни жадаллаштириш, шунингдек, инновацион фаолиятни янада рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, ҳар доим капитал ҳажмини мунтазам кўпайтириш макроиқтисодиётда самарали ҳолатга олиб келмаслиги мумкин. Таҳлилларга кўра, капитални юқори суръатларда иқтисодиётга жалб этилиши самарасиз ҳолатни ҳам вужудга келтириши мумкин экан. Чунки, инвестиция ҳажмининг иқтисодиёт имкониятларидан ортиб кетиши ўз навбатида капитал қайтимини камайтиради, бунинг асосий сабаби шундаки, киритилаётган инвестиция натижасида шаклланаётган янги иш ўринлари ва технология даражаси учун малакали ишчи кучи етишмай қолади. Шунинг учун унинг чегарасини билиш лозим бўлади. Мазкур ҳолатда, Ўзбекистон макроиқтисодиётида капиталга бўлган талабни баҳолаш яъни, капиталнинг самарали даражасини миллий иқтисодиёт учун аниқлаш талаб этади.

3.2 Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни ва унинг мақсадли кўрсаткичларини эконометрик башоратлаш

Бозор иқтисодиёти эҳтимолликка асосланган яхлит тизим бўлиб, унинг турли тасодифий ҳодисалар таъсири остида ривожланиш жараёни миллий иқтисодиётни башоратлаш заруриятини кучайтиради ҳамда бугунги кунда замонавий хўжалик юритиш шакли башоратлаш кўламининг кенгайтирилишини, унинг усул ва услубиётлари такомиллаштирилишини талаб этади. Шунингдек, башоратлаш жамият учун асосланмаган қарорлар қабул қилишдан кўриладиган зарарлар даражасини пасайтиради.

Макроиктисодий даражадаги иқтисодий башорат моделларини тузишда иқтисодий - математик моделлар ва усуллар ўзига хос ўринга эга бўлиб, улар ичида эконометрик усуллар алоҳида аҳамият касб этади, ҳамда мазкур усуллар иқтисодиётга омиллар ва негатив омиллар таъсирини баҳолаш имкониятини беради. Буларга бир ва кўп омилли иқтисодий ўсиш моделлари, таркибий, тармоқ ва асосий фондларни қайта тиклаш моделлари, инвестицион оқим харажати модели, турмуш даражаси ва истеъмол таркиби моделлари киради.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг ривожланишини баланслаштириш мақсадида иқтисодий ўсиш жараёнлари моделлаштирилади. Шундай моделлаштиришлардан бири бу - **макродаражадаги ишлаб чиқариш функцияси** бўлиб, у макроиктисодиётнинг натижавий кўрсаткичи бўлган иқтисодий ўсиш ёки ЯИМ ҳажмини баҳолайди. Иқтисодий ўсиш фойдаланиладиган ресурслар ва ишлаб чиқариш омилларининг миқдорий ҳамда сифатий томонларини ўзида акс эттиради.

Иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омили бу - инновация бўлиб, мазкур омилни инобатга олувчи макроиктисодиётдаги ишлаб чиқариш функцияси икки хил бўлади.

Биринчи кўринишдаги макроиктисодий функция инновация таъсирини инобатга олган ҳолда қуйидагича бўлади: $Q = r \cdot K^{\alpha} \cdot L^{\beta}$.

Бунда r - технологик ривожланиш бўлиб, у инновация таъсирини баҳолайди ҳамда $r = e^{n \cdot t}$ га тенг бўлиб, бунда $\alpha + \beta = 1$ тенглик қабул қилинади.

Иккинчи кўринишдаги макроиктисодий функция $Q = A \cdot K^{\alpha} \cdot L^{\beta}$ бўлиб, бунда A - кўрсаткич капитал ва меҳнат омилидан ташқари ҳамма қолган омилларнинг таъсирини характерлайди, ҳамда $\alpha + \beta > 1 (\neq 1)$ шарт қабул қилинади.

Агар **иқтисодий ўсиш яъни ЯИМни ялпи талаб** $AD = C + I + G + X_n$ сифатида ифодаладиган бўлсак, у ҳолда Дж.Кейнснинг истеъмол

функциясига кўра истеъмор ва миллий даромад ўртасида мазкур макроиктисодий айниятдан $Y_t = C_t + I_t (= S_t)$ келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгликка эга бўламиз⁴²:

$C_t = a_0 + a_1 Y_t + u_t$ - истеъмор функцияси, бунда C - пировард истеъморга харажатлар, Y - ялпи ички маҳсулот, I - инвестиция, S - жамғариш, t - вақт, a_0 , a_1 - эконометрик баҳоланувчи параметрлар бўлиб, бунда $a_1 = MPC$ - истеъморга чекланган мойиллик ва $0 < MPC < 1$.

Кейнснинг истеъмор функциясига асосланиб, Ўзбекистон учун қуйидаги истеъмор функциясини ҳосил қиламиз: $C_t = 582.42 + 0.67Y_t$.

Бунда $a_0 = 582.42$, $a_1 = 0.67$, $R^2 = 0.998$, $t_{a_0} = 3.25$, $t_{a_1} = 82.21$, $F = 6759.28$.

Шунингдек, Стьюдент мезони бўйича $t_{\text{критик}}^{0.05} = 2.3$ ва Фишер мезони бўйича $F_{\text{критик}}^{0.05}(8,1) = 5.32$ бўлгани учун, Ўзбекистоннинг истеъмор функцияси адекватдир.

Кейнснинг истеъмор функцияси эконометрик тенгламалар тизимининг ўзаро алоқадор тенгламалар тизимига мансуб бўлиб, уни биз келтирилган шаклдаги эконометрик тенгламалар тизимига олиб келамиз ҳамда Ўзбекистон учун $I = 18000$ млрд. сўмга тенг бўлганда C_t ва Y_t ларни келажак қийматларини аниқлаймиз.

$C_t = a_0 + a_1 Y_t + u_t$ истеъмор функциясидаги Y_t ўрнига $Y_t = C_t + I_t$ қўядиган бўлсак, у ҳолда унинг кўриниши қуйидагича бўлади: $C_t = a_0 + a_1(C_t + I_t) + u_t$.

Ушбу тенгликдан қуйидаги ифодани ҳосил қилиш мумкин:

$$C_t = \frac{a_0}{1-a_1} + \frac{a_1}{1-a_1} \cdot I_t + \frac{1}{1-a_1} \cdot u_t = \frac{a_0}{1-a_1} + \frac{a_1}{1-a_1} \cdot I_t + u_t^*.$$

Мазкур тенгликдан C_t ва Y_t лар учун қуйидаги келтирилган шаклдаги эконометрик тенгламаларга эга бўламиз:

$$C_t = \frac{a_0}{1-a_1} + \frac{a_1}{1-a_1} \cdot I_t + u_t^* \text{ ва } Y_t = \frac{a_0}{1-a_1} + \frac{1}{1-a_1} \cdot I_t + u_t^*.$$

⁴²Gujarati D.N. Basic econometrics. 3rd ed. - Singapore.: McGraw-Hill, 1995. -638 p.

Юқорида ҳисоблаб топила $a_0 = 582.42$, $a_1 = 0.67$ параметрлар қийматларини истеъмол ва миллий даромаднинг келтирилган шаклдаги эконометрик моделига қўядиган бўлсак, у ҳолда C_t ва Y_t нинг Ўзбекистон учун эмпирик тенгламаси қуйидагича бўлади:

- истеъмол учун: $C_t = 1764.9 + 2.03I_t + u_t^*$;

- ялпи ички маҳсулот учун: $Y_t = 1764.9 + 3.03I_t + u_t^*$.

$I = 18000$ бўлганда истеъмол $C_t = 38304.9$ га, ялпи ички маҳсулот эса, $Y_t = 56304.9$ га тенг бўлади.

Истеъмол ва ялпи ички маҳсулотнинг ҳосил бўлган **башоратнинг ишончлилик интервали** қуйидагича ҳисобланади⁴³:

$$y_0 - t_{1-\alpha/2, n-2} S_{y_0}^{in} \leq \hat{y}_0 \leq t_{1-\alpha/2, n-2} S_{y_0}^{in} + y_0$$

$$\text{Бунда: } S_{y_0}^{\wedge} = \sqrt{s^2 \left(1 + \frac{1}{n} + \frac{(x_0 - \bar{x})^2}{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2} \right)}; \quad s^2 = \frac{\sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - y_i)^2}{n-2}.$$

Ушбу ишончлилик интервалига асосан истеъмол учун башорат чегаралари $37854.2 \leq y_C^* \leq 38755.6$ ва ялпи ички маҳсулот учун башорат чегаралари $55766.3 \leq y_Y^* \leq 56843.5$ га тенг бўлади.

Демак, юқоридаги нуқтали башоратлаш усулидан кўриниб турибдики, унинг юзага чиқиш эҳтимоли кичик бўлиб, шунинг учун ушбу усулда башорат чегаралари кўрсатилади.

Шунингдек, истеъмол учун ушбу башорат оралиғи 901,4 га, ялпи ички маҳсулот учун эса 1077,2 га тенг бўлиб, бундан кўринадики, башоратлаш чегараси қанчалик катта бўлса, башорат оралиғи ҳам шунчалик катта бўлар экан.

Таъкидлаш лозимки, **иқтисодий ўсишга кучли таъсир этувчи омил бу - инвестиция** бўлиб, у ялпи ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширади. Ўз навбатида яратилган ялпи ички

⁴³Кремер Н.Ш., Путко Б.А. Эконометрика. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - с. 67-68.

махсулотнинг бир қисми яна инвестицияга айланади. Шунингдек, инвестиция ҳажмига келгусидаги кутилаётган баҳо даражаси ҳам таъсир этади. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб инвестициянинг **Хикмен**⁴⁴ томонидан киритилган қуйидаги башорат моделини кўриб чиқамиз:

$K_t = a_1 Y_t^{a_2} P_t^{a_3} e^{a_4 t}$, бунда K_t - **асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми** (капитал қўйилма), Y_t - ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, P_t - кутиладиган баҳо даражаси, a_1, a_2, a_3, a_4 - ҳисобланувчи параметрлар, e - натурал логарифм асоси.

Агар биз $P^e = P(-1)$ ⁴⁵ эканлигини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда Хикман моделининг чизиқли кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\ln K_t = \ln a_1 + a_2 \ln Y_t + a_3 \ln P_{t-1} + a_4 t.$$

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг башорат модели юқоридаги омиллар ва мазкур чизиқли боғланишдан келиб чиқиб қуйидагича бўлади:

$$\ln K_t = 3.94 + 0.27 \ln Y_t + 0.08 \ln P_{t-1} + 0.22 t, \quad R^2 = 0.991, \quad F = 260.17, \quad t_{a_0} = 1.02, \\ t_{a_1} = 0.57, \quad t_{a_2} = 1.34, \quad t_{a_3} = 1.67$$

Макроиктисодиётда шундай ҳодисалар мавжудки, уларни юзага келтирувчи сабаблар олдинроқ юз бериб, оқибатлари эса маълум вақтдан сўнг рўёбга чиқади. Шу жумладан, сармоя учун ажратилган маблағларни сарфлаш натижасида олдин ишлаб чиқариш объектлари барпо этилади, сўнгра улар ишга туширилиб аста-секин қувватлари ўзлаштирилади. Бу эса сармоя лаги деб аталиб, ушбу жараён ҳодисанинг ўтган қийматларидан боғлиқ бўлади ва мазкур жараёнларни башоратлашда $AR(p)$, $MA(q)$, $ARMA(p,q)$, $ARIMA(p,d,q)$ моделларини қўллаш самарали натижалар беради⁴⁶. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, Ўзбекистонда

⁴⁴Емельянов А.С. Эконометрия и прогнозирование. - М.: Экономика, 1985. -47 с.

⁴⁵Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика. - М.: МГУ: ИНФРА - М, 1997. - 506 с.

⁴⁶Дробышевский С., Носко В., Энтов Р., Юдин А. Эконометрический анализ динамических рядов основных макроэкономических показателей. - М.: 2001. - 171 с.

асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини $AR(p)$ модели орқали башоратлаймиз.

p - чи тартибли авторегрессион модел (ёки $AR(p)$ модел) қуйидагича бўлади, $y_t = \beta_0 + \beta_1 y_{t-1} + \dots + \beta_p y_{t-p} + \varepsilon_t$ ва бунда $\beta_0, \beta_1, \dots, \beta_p$ - эконометрик йўл орқали баҳоланувчи параметрлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2000 - 2011 йиллар оралиғидаги инвестициянинг $AR(1)$ тартибли авторегрессион модели қуйидагича бўлиб, $\bar{y}_t = 254.89 + 1.27y_{t-1}$, бунда $R^2 = 0.98$, $F = 473$ ни ифода этади.

Ушбу авторегрессион моделга асосан, $t = 12$ да инвестиция ҳажми 19824,447 млрд.сўмга, башорат чегараси эса 18774.335 ўў* ўў0874.559 га тенг эканлиги келиб чиқади.

Макроиктисодий кўрсаткичлар ривожланиш динамикасини истиқболлашда уларнинг тенденцияларини вақтга нисбатан регрессия тенгламалари орқали ифодалаш алоҳида аҳамият касб этади ва бу мукамал регрессия тенгламасини тузишни талаб этади.

Аммо, амалиётда ҳақиқий динамика қатори ҳақидаги маълумотларга асосланган тренд тенгламасининг шаклини аниқлаш кўпинча мураккаб масаладир. Шунинг учун бир қанча функция турлари бўйича тренд тенгламаларини ҳисоблаб чиқиб, улардан $\sum (y - \hat{y}_t)^2 = \min$ шартни қаноатлантирадиган тенгламани танлаб олиш ёки детерминация коэффиценти (R^2) юқориларини ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Қуйида асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг 2000 - 2011 маълумотларига асосланган ҳолда уларнинг вақт омилига нисбатан регрессия тенгламалари кичик квадратлар усули орқали аниқланган (3.5-жадвал).

Келтирилган жадвалдаги аксарият макроиктисодий кўрсаткичларнинг тренд тенгламалари 3 - чи тартибли полиномниал функциядан иборат бўлиб, уларнинг t га нисбатан детерминация коэффицентлари ўрта

хисобда $R^2 = 0.9647$ ни ташкил этади. Шунингдек, фақатгина импорт ҳажмининг детерминация коэффиценти $R^2 = 0.8948$ га тенг бўлиб, у бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга қараганда вақт омили билан нисбатан пастроқ боғланишни ифода этади.

3.5-жадвал

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини башоратлашнинг тренд моделлари⁴⁷

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари	Регрессия тенгламалари	Детерминация коэффиценти (R^2)
Ялпи ички маҳсулот (y)	$y = 669.28t^2 - 2619.6t + 7452.8$	$R^2 = 0.9914$
Ялпи жамғариш (x_2)	$x_2 = 11.383t^3 - 5.4665t^2 + 282.71t + 379.82$	$R^2 = 0.9941$
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (x_3)	$x_3 = 16.701t^3 - 96.222t^2 + 431.16t + 571.8$	$R^2 = 0.9927$
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (x_4)	$x_4 = 14.165t^3 - 78.116t^2 + 487.45t - 21.78$	$R^2 = 0.9985$
Ишсизлик (x_5)	$x_5 = 42.25e^{-0.0697t}$	$R^2 = 0.9066$
Валюта курси (x_6)	$x_6 = 582.2 \ln(t) + 139.3$	$R^2 = 0.9779$
Ташқи савдо айланмаси (x_7)	$x_7 = -32.977t^3 + 780.06t^2 - 3377.3t + 9506.1$	$R^2 = 0.9618$
Импорт (x_8)	$x_8 = -15.893t^3 + 369.7t^2 - 1701.2t + 4733.1$	$R^2 = 0.8948$

Импорт ҳажмининг детерминация коэффиценти $R^2 = 0.8948$ га тенг бўлишини асосий сабаби шундаки, мазкур кўрсаткичнинг 2000 - 2010

⁴⁷Муаллиф томонидан тузилган.

йилларда бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга нисбатан тенденцияланиш хусусиятининг юқорилигидадир.

Шунингдек, таълиф этилаётган башорат моделларига асосланиб назарда тутилаётган макроиктисодий кўрсаткичларнинг яқин келажақдаги башорат қийматларини аниқлаш имкноятига эга бўламиз.

Жумладан, ҳисоб-китобларимизга кўра, 2015 йилга бориб мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 136874,9 млрд.сўм, ялпи жамғариш ҳажми 50128,5 млрд.сўм, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми 51244,8 млрд.сўм, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 45799,6 млрд.сўмни ташкил этади.

Ўзбекистонда импорт ҳажмининг башорат моделига кўра, унинг ҳажми 2012 йилдан 2015 йилга қадар мунтазам пасайиш характериға эга бўлади. Жумладан, 2012 йилда унинг ҳажми башорат қиймати бўйича 10179,9 млн. АҚШ долл. ни ташкил этса, 2015 йилга келиб ушбу кўрсаткич 7059,4 млн. АҚШ долл. ни ташкил этади. Бу эса 2012 йилга нисбатан 0,69 мартаға кам демакдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда импорт ҳажмининг камайиши экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобидан бўлса, албатта бу яхши. Аммо, ташқи савдо айланмасининг 2012 йилдан 2015 йилга қадар мунтазам пасайиши, мамлакатимиз учун бироз ҳавотирли ҳолат бўлиб, у экспорт ҳажмининг камайиши ҳисобидан ҳам содир бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун Ўзбекистонда экспорт ҳажмини башоратлаш, унинг келгусидаги ривожланиш чора - тадбирларини белгилаш мақсадға мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида ялпи талаб барқарорлигини таъминлашнинг муҳим манбаидир. Чунки, ялпи талаб (GDP) = ички талаб ($C + I$) ва ташқи талаб (X_n) йиғиндисидан иборатдир.

Ўзбекистонда экспорт ҳажми динамикасиға эътибор берадиган бўлсак, 2000 йилда унинг ҳажми 3264,7 млн.долл., 2001 йилда 3170,4 млн., 2002 йилда 2988,4 млн., 2003 йилда 3725 млн., 2004 йилда 4853 млн., 2005 йилда 5408,8 млн., 2006 йилда 6389,8 млн., 2007 йилда 8991,5 млн., 2008

йилда 11493,3 млн., 2009 йилда 11771,3 млн.АҚШ долл.ни, ҳамда 2010 йилда 13045,0 млн. АҚШ долл.ни ташкил этди. Қуйида 2000 - 2011 йиллар оралиғида Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи тренд тенгламалари келтирилган (3.6-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, $\sum (y - \hat{y}_t)^2 = \min$ шартни қаноатлантирадиган функция бу - **парабола** бўлиб, унинг қолдиқ дисперсияси $\sum (y - \hat{y}_t)^2 = 4153573$ га тенг бўлади. Бундан биз шундай хулосага келишимиз мумкинки, Ўзбекистонда 2000 - 2011 йиллар оралиғида экспорт ҳажмининг ривожланиш тенденцияси парабола функциясига яқин бўлиб, экспорт ҳажми дастлаб жадал суръатлар билан ортиб борган, маълум вақтдан сўнг эса унинг ҳажми пасайиб борган.

Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг айнан мазкур пасайиш давлари 2008 йил ҳамда 2009 йилларга тегишли бўлиб, бунинг асосий сабабини биз юқорида таъкидланганидек, дунё иқтисодиётида молиявий - иқтисодий инқирознинг юзага келиш сабаблари билан изоҳлашимиз мумкин.

3.6-жадвал

Ўзбекистонда 2000-2011 йиллардаги экспорт ҳажмини турли шаклларда текислаш натижалари (млн.АҚШ долл.)⁴⁸

Йилла Р	Тренд тенгламалари			$\sum (y - \hat{y}_t)^2 = \min$		
	$y_t = 682738 + 10989t$	$y_t = 58884 \cdot 1.17^t$	$y_t = 57994 + 109899t + 1028t^2$	Чизиқли	Кўрсаткич и	Парабол а
2000	1332,9	2630,3	2874,45	3731929	402504,0	152295,1
2001	2431,8	3090,3	3048,24	545559,5	6416,7	14923,07
2002	3530,7	3630,8	3427,63	294067,6	412652,8	192923,0
2003	4629,6	4265,8	4012,62	818265,0	292459,4	82725,26
2004	5728,5	5011,9	4803,21	766465,2	25240,4	2479,044
2005	6827,4	5888,4	5799,4	2012369	230051,2	152568,4
2006	7926,3	6918,3	7001,19	2360771	279322,5	373797,7
2007	9025,2	8128,3	8408,58	1134,342	745105,3	339795,7
2008	10124,1	9549,9	10021,57	1874763	3776703	2165989

⁴⁸ Муаллиф ҳисоб - китоблари.

2009	11222,9	11220,2	11840,16	300654,8	303728,2	4741,7
2010	12321,9	13182,6	13864,35	522902,5	18924,8	671334,4
2011	13450,8	15286,7	14568,24	68452,4	19856,5	751259,3
Σ	75101,2	73516,7	75101,4	1322888 1	6493108	4153573

Юкорида кўйилган шарт учун мақбул топилган парабола тенгламасидан $y_t = a_0 + a_1t + a_2t^2$ ҳамда кичик квадратлар усулининг шартидан $S = \sum (a_0 + a_1t + a_2t^2 - y_t) \rightarrow \min$ фойдаланган ҳолда экспорт ҳажмининг турли вариантларини шакллантирамиз.

Келтирилган шартдан ҳар бир параметр учун хусусий ҳосила оладиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги тенгликларга эга бўламиз:

$$\frac{\partial S}{\partial a_0} = 2 \sum (a_0 + a_1t + a_2t^2 - y_t) \times 1 = 0 ;$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_1} = 2 \sum (a_0 + a_1t + a_2t^2 - y_t) \times t = 0 ;$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_2} = 2 \sum (a_0 + a_1t + a_2t^2 - y_t) \times t^2 = 0 .$$

Ҳосила олинган тенгликлардан парабола функцияси учун нормал тенгламалар тизимини келтириб чиқариб ундан функциянинг параметрларини аниқлаймиз.

Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг 6, 4, 2 истиқбол даврлари учун нормал тенгламалар тизимидан фойдаланган ҳолда, унинг ушбу даврларга мос тренд тенгламаларини тузамиз (3.7-жадвал).

3.7-жадвал

Башоратлашнинг турли даврлардаги тренд тенгламалари⁴⁹

Вариант №	Ўтган давр, m	Башорат даври $d = 11 - m$	Тренд тенгламалари
1	5	6	$4163.04 - 1068.68t + 240.3t^2$
2	7	4	$3419.4 - 377.01t + 117.29t^2$
3	9	2	$4075.2 - 869.9t + 185.1t^2$

⁴⁹Муаллиф ҳисоб - китоблари.

Тузиб чиқилган парабола тенгламаларидан фойдаланган ҳолда мос даврлар учун Ўзбекистонда экспорт ҳажмини истиқболлашнинг уч вариантыни келтирамиз (3.8-жадвал).

Ҳисоб – китобларга кўра иккинчи вариант асосида ҳосил бўлган экспорт ҳажми башорат қийматларининг хатолик даражаси биринчи ва учинчи вариантларнинг башорат хатоликларига нисбатан анча паст кўрсаткични ўзида ифода этади. Шунингдек, учала вариант асосидаги истиқболлашда 2000 - 2004 йиллар оралиғидаги ҳамма вариантлар деярли экспорт ҳажми қийматларига яқин келади. Аммо, 2004 чи йилдан 2005 чи йилга ўтиш оралиғидан бошлаб вариантларнинг ўзгариш динамикаси бир - биридан фарқлана боради. Фақатгина, иккинчи вариантдаги истиқбол қиймати экспорт ҳажмига анча яқин қийматларни ифода этади ва унинг башорат хатоси энг кичик бўлиб ҳисобланади.

Демак, вариантлардаги башорат хатолари $MAPE$ асосида аниқланган бўлиб, бунда $MAPE$ - башорат хатосининг ўртача абсолют нисбати, y_{m+k} - экспорт ҳажми тенденциясининг ҳақиқий қиймати, $\tilde{y}_{m+k}$ - башоратланаётган қиймат, d - башоратланаётган давр ($m+d=n$) ни ифода этади.

3.8-жадвал

Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг истиқболдаги вариантлари
(млн.АҚШ долл.)⁵⁰

Йиллар (t)	Башоратланаётган қиймат, $\tilde{y}_t$		
	1-Вариант	2-Вариант	3-Вариант
2000	3334,7	3159,7	3390,4
2001	2986,9	3134,5	3075,8
2002	3119,7	3343,9	3131,4
2003	3733,1	3788,0	3557,2
2004	4827,1	4466,6	4353,2
2005	6401,8	5379,8	5519,4
2006	8456,9	6527,5	7055,8
2007	10992,8	7909,9	8962,4

⁵⁰Муаллиф ҳисоб - китоблари.

2008	14009,2	9526,8	11239,2
2009	17506,2	11378,3	13886,2
2010	21483,9	13464,4	16903,4
2011	25942,1	15785,0	20290,8
2012	30880,9	18340,3	24048,4
2013	36300,3	21130,1	28176,2
2014	42200,3	24154,5	32674,2
2015	48580,9	27413,5	37542,4

Таъкидлаш лозимки, башоратлаш вақт бўйича ҳисобланаётган натижа кўрсаткичи вақтга нисбатан монотон бўлиши керак. Акс ҳолда олинган натижа кўрсаткичининг келгусидаги реал ҳолатини кўрсатиб бера олмайди. Агар функция монотон бўлмаса, у ҳолда вақтли функциянинг бошқа кўринишларидан фойдаланилади, сўнгра башорат қийматлари топилади.

3.3 Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари ва эконометрик моделлари

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имкониятини берди.

Кейинги йилларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳолатнинг ва ҳукукий тизимнинг барқарорлиги, инсон капитални ривожлантиришга (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий эҳтиёжларга) сарфланаётган катта қўйилмалар ҳажми, аҳолининг ўртача яшаш ёшининг узунлиги, меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги, мамлакат аҳолиси саводхонлиги ва малака даражасининг юқорилиги Ўзбекистонда макроиқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари сифатида намоён бўлди.

Амалга оширилган чора - тадбирлар доирасида ҳамда иқтисодий ислохотлар ва модернизация сиёсати натижасида Ўзбекистонда қуйидаги ижобий ўзгаришларга эришилди:

1. Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиёт ички ва ташқи секторларининг мутаносиблигини таъминлаш борасида:

- инфляциянинг 7 - 8 фоиздан ошиб кетмаганлигига қаратилган мўътадил қаттиқ пул - кредит сиёсати;
- 2005 йилдан профицит билан яқунланаётган - барқарор солиқ - бюджет сиёсати;
- ижобий ташқи савдо балансини ва олтин ҳамда валюта захиралари ўсишини таъминлаётган - мувозанатлашган ташқи савдо сиёсати.

2. Ички омиллар ҳисобидан иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида:

- охириги 8 йил мобайнида ЯИМ ҳар йили 7 - 9 фоиз ўсди;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми охириги 8 йил мобайнида йилига 7,2 - 12,7 фоиздан ошди;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми охириги 8 йил давомида йилига 4,7 - 8,3 фоиз ўсди;
- асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми охириги 6 йил давомида 9,0 - 34,1 фоиз ўсди;
- пул даромадларининг (йилига 22 - 24 фоиз даражасида) ва товар ва хизматларга бўлган ички талабнинг барқарор ўсиши таъминланди.

3. Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва кенг қамровдаги тузилмавий ислохотларни амалга ошириш борасида:

- иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар ЯИМда саноат тармоғи улушининг 2000 йилдаги 14,2 фоиздан 2010 йилда 23,9 фоизгача ўсиши таъминланди;
- кичик бизнес ривожини фаол қўллаб - қувватлаш натижасида, 2010 йилда унинг ЯИМдаги улуши 52,5 фоизга етди;

■ транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида унинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 7,7 фоиздан 2010 йилда 12,4 фоизга етди;

2013 йилда капитал қўйилмалар ҳажмини 9,3 фоизга ўсиши миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожланишининг етакчи омили ҳисобланади. Жорий йилда ялпи инвестицияни ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2012 йилдаги 22,9 фоиздан юқори бўлиши режалаштирилмоқда.

Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади — мамлакат иқтисодиётининг янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг жаҳон тажрибаси таҳлили кўрсатишича, мамлакатни модернизациялаш учун дастлаб мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ва конкрет баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “... иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва

ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»⁵¹.

2011-2015 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожланиш дастури қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

1. 2011-2015 йилларга мўлжалланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш чоралари дастури.

2. 2011-2015 йилларга мўлжалланган инфратузилмани, транспорт ва коммуникацион қурилишни ривожлантиришни жадал ривожлантириш дастури.

3. 2011-2015 йилларга мўлжалланган молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари дастури.

4. 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси саноатини устувор йўналишлари дастури.


Мамлакатимизда чуқур ўйланган ва пухта таҳлиллар асосида 2011–2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурлар амалга оширилмоқда. Уларда саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва уни баҳолашнинг халқаро мезонларини шакллантириш кўзда тутилган.

2011–2015 йиллардаги энг муҳим вазифа – макроиктисодий барқарорлик ва изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг сифат кўрсаткичларини, иқтисодиёт тармоқларини янада диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация этиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда

⁵¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистон». 2010. 43-б.

хизматларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш ҳисобидан яхшилашдан иборат.

Реал сектори тармоқлари ва етакчи соҳаларни ривожлантириш борасида қабул қилинган кенг кўламдаги чора тадбирлар натижасида тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари сақлаб қолинди (3.1-расм).



3.1-расм. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий моҳияти ва тамойиллари

Мамлакатимизда етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;
- юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқлар улушини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
- енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- чарм хомашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;
- халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;
- маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти қўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга қўмаклашиш;
- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашга қўмаклашувчи Давлат дастурлар асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда⁵²:

⁵² Салимов А. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтиришда маҳаллий ҳокимликларни вазифалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари. –Т., 2010.

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро йўллар қурилиши, таъмирланиши ва қайта жиҳозланиши;
- темир йўллари қурилиши ва электрлаштирилиши;
- электр станцияларини модернизациялаш, юқори вольтли электр узатиш линияларини қуриш ва таъмирлаш;
- газ узатиш тизими ва газ тақсимлаш линияларини қуриш ва капитал таъмирлаш;
- хом ашё компонентларини ишлаб чиқариш мақсадида йирик саноат корхоналари қурилишини молиялаштириш;
- маҳаллий бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- янги технологиялар ривожлантирилишига кўмаклашиш ва илм-фан ва саноат ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш;
- логистика марказларини ривожлантириш.

2011-2015 йилларда ЯИМни йилига 8 фоиздан ортиқ бўлган даражадаги барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, умуман 2011-2015 йиллар давомида уни ҳажми 1,5 баробар, харид қобиляти паритети бўйича эса 1,6 баробар ҳисобидаги ўсишга эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсиш барқарорлиги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўрсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади⁵³.

Юқорида қайд этилган стратегик вазифаларни амалга ошириш ўрта муддатда қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- макроиқтисодий ривожланишни бошқариладиган модели асосида барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- тўхтовсиз иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни амалга ошириш;

⁵³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 119-120 б.

- ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳолини эҳтиёжларини қондириш талабларига мувофиқ ривожлантириш;

- банк-молия тизимини барқарорлигини ошириш ва инвестиция миқёсини кенгайтиришдаги ролини ошириш;

- нодавлат секторини биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётдаги роли ва улушини янада ошириш;

- юқори агротехнология асосида замонавий самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни яратиш ва қишлоқ аҳолисини даромадларини ошириш;

- аҳолини, шу жумладан, ёш авлодни барқамол ривожланишини таъминлайдиган замонавий ижтимоий секторини шакллантириш.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ❖ экспорт таркибида тайёр маҳсулот ва хизматларнинг салмоғини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий технология ва илғор техникалар билан қуроллантириш;

- ❖ тайёр маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга йўналтирилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш ва фаолиятини такомиллаштириш;

- ❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги иштирокини рағбатлантириш, зарур шарт-шароитларни яратиш;

- ❖ мамлакатнинг экспорт бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги экспорт бозорларини эгаллаш;

- ❖ ҳар бир тармоқ ва ҳудуд кесимида экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш ва бошқалар.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш борасида 2011-2015 йилларда Ўзбекистон

Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастур муҳим аҳамият касб этади. **Дастурнинг асосий мақсади** – республикасаноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат.

Дастурнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

- Мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- Саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жихозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- Ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш;

- Меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Демак, юқоридагилардан кўринадики, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришда ҳам макроиқтисодий сиёсатни такомиллаштиришда ҳам фақатгина давлат олдида бир мақсад ётади, яъни бу - мамлакатда аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва уларнинг реал даромадларини ошириш масаласидир. Шунингдек, бу борада аҳоли фаровонлигининг бош мезони

сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми ва унинг эконометрик таҳлиллари алоҳида аҳамият касб этади.

Олиб борилган эконометрик тадқиқотимиз натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасида қуйидагича миқдорий боғланишлар ўрнатилишига эришилди (3.9-жадвал).

3.9-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиктисодий кўрсаткичларнинг жуфт омилли регрессия тенгламалари ва уларнинг барқарорлик кўрсаткичлари⁵⁴

№	Регрессия тенгламалари	Детерминация коэффициенти R^2	Фишер мезони		Стьюдент мезони		
			$(F_{\text{хак}})$	$(F_{\text{жад}}^{0.05})$	t_{a_0}	t_{a_1}	$t_{\text{жад}}^{0.05}$
1	$GDP/POP = 426.35 + 1.46IND/POP$	0,997	3214,13	5,12	19,35	56,69	2,26
2	$GDP/POP = 946.05 + 2.3CAP/POP$	0,924	109,45	5,12	13,9	10,46	2,26
3	$GDP/POP = 677.84 + 2.1GOD/POP$	0,961	223,06	5,12	10,07	14,94	2,26
4	$GDP/POP = 1048.3 + 2.3EXS/POP$	0,972	317,63	5,12	28,31	17,82	2,26
5	$GDP/POP = 1022.8 + 3.1IMP/POP$	0,886	70,23	5,12	12,65	8,38	2,26
6	$SB/GDP = 11.6 + 0.03IND/POP$	0,987	676,24	5,12	10,19	26,0	2,26
7	$SB/GDP = 24.3 + 0.05CAP/POP$	0,888	71,84	5,12	11,68	8,48	2,26
8	$SB/GDP = 17.8 + 0.05GOD/POP$	0,934	128,03	5,12	8,51	11,31	2,26
9	$SB/GDP = 26.5 + 0.05EXS/POP$	0,962	231,57	5,12	25,62	15,22	2,26

Бунда: GDP/POP - аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми, шунингдек, IND/POP , CAP/POP , GOD/POP , EXS/POP , IMP/POP - мос равишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат, асосий капиталга киритилган инвестициялар, чакана товар айланмаси, экспорт ва импорт ҳажмлари.

⁵⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридагилардан ташқари, макроиктисодий кўрсаткичларнинг жуфт корреляция коэффициентлари таҳлилидан аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажмлари ўртасида қуйидагича миқдорий боғланиш юзага келади: $IND/POP = 358.28 + 1.57CAP/POP$, бунда $R^2 = 0.916$, $F_{\text{хак}} = 98.6$, $t_{a_0} = 6.97$, $t_{a_1} = 9.93$, $F_{\text{жад}}^{0.05} = 5.12$, $t_{\text{жад}}^{0.05} = 2.26$ ни ифода этади.

Шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган импорт ҳажмлари ўртасида ҳам миқдорий боғланиш мавжуд бўлиб, уларнинг регрессия тенгламаси $GOD/POP = 177.52 + 1.43IMP/POP$ дан иборат. Бунда $R^2 = 0.856$, $F_{\text{хак}} = 53.46$, $t_{a_0} = 4.12$, $t_{a_1} = 7.31$, $F_{\text{жад}}^{0.05} = 5.12$, $t_{\text{жад}}^{0.05} = 2.26$ ни ифода этади.

Агар аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлилини чуқурлаштирадиган бўлсак, у ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва унга таъсир этувчи кўп омилли қуйидаги моделни ҳосил қиламиз:

$$GDP/POP = 290.47 + 0.88GOD/POP + 0.43EXS/POP + 1.84AGR/POP.$$

Бунда $R^2 = 0.999$, $F_{\text{хак}} = 2685.07$, $t_{a_0} = 5.18$, $t_{a_1} = 9.55$, $t_{a_2} = 3.24$, $t_{a_3} = 11.24$, $F_{\text{жад}}^{0.05} = 4.35$, $t_{\text{жад}}^{0.05} = 2.36$ ни ифода этади.

Шунингдек, GOD/POP - аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси, EXS/POP - аҳоли жон бошига экспорт ҳажми, ҳамда AGR/POP - аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми.

Агар биз юқоридаги регрессия тенгламасининг таркибидаги аҳоли жон бошига экспорт ҳажмини аҳоли жон бошига импорт ҳажми кўрсаткичи билан алмаштирадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги регрессия тенгламасига эга бўламиз:

$$GDP/POP = 197.83 + 0.98GOD/POP + 0.30IMP/POP + 2.05AGR/POP.$$

Бунда $R^2 = 0.998$, $F_{\text{хак}} = 2261.84$, $t_{a_0} = 4.83$, $t_{a_1} = 12.18$, $t_{a_2} = 2.78$, $t_{a_3} = 14.16$, $F_{\text{жад}}^{0.05} = 4.35$, $t_{\text{жад}}^{0.05} = 2.36$ ни ифода этади.

Таклиф этилаётган натурал масштабдаги кўп омилли регрессия тенгламаларининг регрессия коэффициентлари a_j номли микдорлар бўлиб, улар турли ўлчов бирликларида ифодаланган ва сифат ҳамда маъно жиҳатидан ҳар хил омиллар таъсирини ўлчайди. Демак, улар бир-бири билан таққослама эмас. Мазкур коэффициентларни таққослама нисбий кўрсаткичларга айлантириш учун, стандартлаштирилган регрессия коэффициентлари ёки β - коэффициентларни ҳосил қиламиз.

$$\text{Шунингдек, } \beta_j = a_j \frac{\sigma_{x_j}}{\sigma_y} \text{ га асосан: } y_{GDP/POP} = 296.1, \quad y_{GOD/POP} = 140.2,$$

$y_{EXS/POP} = 125.5$, $y_{AGR/POP} = 67.3$ ларни ҳисоблаб топамиз. Юқоридагилардан ва мазкур ифодалардан $\beta_1 = 0.42$, $\beta_2 = 0.18$, $\beta_3 = 0.42$ эканлиги келиб чиқади.

β - коэффициентларидан ҳосил бўлган регрессия тенгламаси куйидагидан иборат бўлиб,

$$GDP/POP = 290.47 + 0.42GOD/POP + 0.18EXS/POP + 0.42AGR/POP.$$

Бунда x_j омилга тегишли β_j - коэффициент муайян омил вариациясининг натижавий белги (y) вариациясига таъсирини регрессия тенгламада кўзланган бошқа омиллар вариациясидан четланган яъни тозаланган ҳолда ўлчовчи нисбий меъёр бўлиб ҳисобланади. Жумладан, бошқа омиллар ўзгарувчанлиги таъсиридан четланган ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми ўзгарувчанлигининг 42 % и аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вариацияси ҳисобига, ҳамда 18 % и эса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми вариацияси ҳисобига рўй берганлиги маълум бўлади.

Демак, ҳар бири алоҳида олиб қаралган аҳоли жон бошига тўғри келадиган омилларнинг натижавий белги яъни, аҳоли жон бошига яратилган ЯИМ ҳажми вариациясига таъсир қилиш жамлама ўлчами

уларнинг β_j^2 - коэффиценти йиғиндиси, яъни $\sum_{j=1}^3 \beta_j^2 = 0.385$, у ҳолда тизим самарси - $\eta_s = 0.614$ ёки 61,4 % га тенг бўлади. Бундан келиб чиқадики, омиллар ўзаро боғланиши натижасида олинган тизим самараси кўп ўлчовли детерминация коэффицентининг шаклланишида жуда катта рол ўйнайди.

Шунингдек,

$$GDP/POP = 290.47 + 0.42GOD/POP + 0.18EXS/POP + 0.42AGR/POP \text{ регрессия}$$

тенгламасига киритилган омилларнинг натижага таъсирини ажратсак, у ҳолда аҳоли жон бошига товар айланмаси вариацияси ҳисобига 17,64 %, аҳоли жон бошига экспорт ҳажми вариацияси ҳисобига 3,24 %, ҳамда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш вариацияси ҳисобига 17,64 % тўғри келади. Учта омилнинг ялпи таъсири эса 38,52 % ни ташкил этади.

Тизим самарасини, ўз навбатида, ҳар бир жуфт омиллар ковариацияси ёки айрим омиллар тўдасининг биргаликда вариацияланиши таъсирига ажратиш мумкин. Бундай омиллар ҳиссасига ажратишнинг энг содда йўли тизим самарасини айрим омилларнинг соф таъсири ўлчамлари бўлмиш β коэффицентлар квадратига нисбатан пропорционал тақсимлашдир.

Шунингдек, $GDP/POP = 290.47 + 0.42GOD/POP + 0.18EXS/POP + 0.42AGR/POP$ регрессия тенгламасида умумий тизим самараси, яъни 61,4 % дан 28,1 % аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси ҳиссасига, 5,17 % аҳоли жон бошига экспорт ҳажми ҳиссасига ва яна 28,1 % аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳиссасига тўғри келади.

Регрессия тенгламасини таҳлил қилишда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг омилларга нисбатан хусусий ва умумий эластиклик коэффицентларини ҳисоблаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, эластиклик коэффицентлари регрессия тенгламасида иштирок этаётган омилларнинг 1 % ўзгариши билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг ўртача неча фоизга ўзгаришини кўрсатади: Жумладан,

аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси бўйича эластиклик коэффициенти $\varepsilon_{x_1} = 0.12$, аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми бўйича эластиклик коэффициенти, $\varepsilon_{x_2} = 0.03$, аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эластиклик коэффициенти, $\varepsilon_{x_3} = 0.11$. Уччала омилнинг ялпи эластиклик коэффициенти $\sum_{j=1}^3 \varepsilon_{x_j x_2 x_3} = 0.26$ га тенг бўлади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи бу – техник тараққиёт бўлиб, уни асословчи моделлардаги омиллар экзоген ва эндоген техник тараққиёт билан бир - биридан фарқланади. Экзоген техник тараққиётда иқтисодий ўсиш асосан капитал ва меҳнат ҳамда омилларнинг умумий самарадорлиги асосида рўй беради. Эндоген техник тараққиётнинг асосида эса, инсон капиталига инвестиция қилиш ғояси ётади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделларини таснифлашдан мақсад мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда омилларнинг роли ва самарадорлигини аниқлашдир.

2. Эконометрик тадқиқотлар давомида шундай хулосага келиндики, мамлакатда таълим ва маълумотлилиқ даражасининг ўсиши, ҳамда юқори даражадаги инсон капиталига қилинаётган инвестициялар ЯИМ ҳажмининг ўсишига олиб келар экан. Жумладан, Ўзбекистонда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлашга харажатлар энг катта улушни, яъни жами бюджет харажатларининг 12 - 14 % ни, таълимга харажатлар эса ҳар йили ЯИМнинг 8 – 9 % ни ташкил этмоқда.

3. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда 2008 йил айниқса, 2009 йилда техник тараққиётнинг ўсиш суръати сезиларли даражада пасайган бўлиб, жумладан, мазкур пасайишнинг асосий сабаби сифатида дунё

иктисодиётида рўй берган молиявий – иқтисодий инқироз билан асослаш мумкин.

4. Ҳар қандай мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланишида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичларнинг тақсимланиши жуда катта рол ўйнади. Жумладан, эконометрик таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига чакана товар айланмасининг 1 % ўсиши аҳоли жон бошига ЯИМнинг 0,42 %, аҳоли жон бошига экспорт ҳажмининг 1 % ўсиши аҳоли жон бошига ЯИМнинг 0,18 %, аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг 1 % ўсиши аҳоли жон бошига ЯИМнинг 0,42 % ўсишига олиб келади. Мазкур омилларнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМдаги ялпи тизим самараси $\eta_s = 0.614$ ёки 61,4 % ни ташкил этади.

5. Эконометрик таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг прогноз қиймати 2015 йилга бориб 136874,9 млрд.сўмни ташкил этади ҳамда бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барчасида ўсиш суръатлари кузатилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичларини эконометрик таҳлил қилиш ва башоратлаш мавзуси юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижасида қуйидаги ҳолатлар аниқланди ҳамда мазкур илмий-назарий ва амалий хулосаларга келинди:

1. Агар икки ва ундан ортиқ омиллардан иборат иқтисодий ўсишнинг макроэконометрик моделлари ишлаб чиқилса, албатта уларда “tizim samarasi” ҳосил бўлади ва бундай самара макроиқтисодий омилларни бириктириш натижасида юзага келади. Мазкур самарани ҳисоблашда

$\eta_s = R^2 - \sum_{j=1}^K \beta_j^2$ ифодадан фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу самарани

ҳисоблаш эса, натижавий макроиқтисодий кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг аниқ миқдорларини ҳисоблаш имкониятини беради.

2. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, катта ҳажм ва кўп омилга эга бўлган макроэконометрик моделларнинг ҳаётийлик даражаси паст бўлиб, ишлаб чиқилган моделнинг Фишер (F) мезонлари унинг критик қийматидан юқори ва детерминация коэффицентлари ҳам қониқарли бўла туриб, Стюдент (t) мезонлари бўйича аниқланган макроиқтисодий омилларнинг регрессия коэффицентлари аҳамиятсиз ҳолатга олиб келади, ҳолбуки, макроэконометрик модел таркибига кирган омиллар макроиқтисодиёт фани нуқтаи назаридан тўғри бўлсада. Шунингдек, эконометрик модел мукамал ва катта бўлмаслиги керак, акс ҳолда ундан амалда фойдаланиш қийинлашади. Шунинг учун моделга энг асосий омилларни киритиш лозим ёки кўп омиллиликдан бетараф бўлиш учун, эконометрик тенгламалар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Мамлакатдаги ялпи тақлифни AS П.Дуглас ва Д.Коббнинг макроиқтисодиётдаги ишлаб чиқариш функцияси $Y = AK^{\alpha}L^{\beta}$ орқали тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур моделдаги $a_1 > a_2$ бўлиши, мамлакатда интенсив ўсишни, $a_1 < a_2$ бўлиши эса, экстенсив иқтисодий ўсишни кўрсатиб беради.

4. Мамлакатнинг макроиқтисодий фаолиятига ЯИМнинг реал ҳажми натижавий макроиқтисодий кўрсаткич сифатида хулоса беради ва барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ёки салбий ўзгаришлари унда намоён бўлади. Шунингдек, ЯИМнинг реал ҳажми (иқтисодий ўсиш) мамлакат иқтисодиётини одатда миқдорий томонларини характерласа, сифатий ўзгаришларини эса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ ҳажми (иқтисодий ривожланиш) ифода этади. Шу жумладан, ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати, аҳолининг йиллик ўсиш суръатидан юқори бўлгандагина мамлакатда ўсиш содир бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичларининг эконометрик таҳлилларини кўрсатишича, ЯИМнинг ўсиш суръатлари

барқарордир. Шунингдек, Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида инновацион ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш лозимдир.

6. Бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг экзоген ва эндоген моделлари мавжуд бўлиб, экзоген моделлар макроиқтисодий даражадаги ишлаб чиқаришда капитал ва меҳнатнинг ролига кўпроқ эътибор беради ва уларда одатда техник тараққиёт даражаси назарда тутилмайди. Эндоген иқтисодий ўсиш моделларининг марказида эса, “Инсон капиталига” инвестиция қилиш ғояси ётади ва мазкур модел тарафдорлари ҳозирги замон иқтисодий ўсишларининг аксарияти ишлаб чиқаришда инсон омилининг улуши юқори эканлигини исботлайдилар.

7. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг эндоген омилларига кейинги йилларда жуда катта аҳамият қаратилиб, жумладан, давлат бюджети харажатларининг катта улуши аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда “Фан соҳаси”га ажратилаётган маблағларнинг ҳажми ҳам кейинги йилларда кескин ўсиб бормоқда.

8. Тадқиқот натижаларимизнинг кўрсатишича, яқин йиллар ичида Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни давомийлигини таъминлаш ва омилларнинг ялпи унумдорлигини иқтисодий ўсиш суръатидаги улушини ижобий ҳолда сақлаш учун капитал омилини $\hat{GDP} \leq \hat{\eta} \leq 3\hat{GDP}$ ораликда ошириб бориш зарур.

9. Иқтисодий ўсиш борасида шундай якуний хулосага келиш мумкинки, техник тараққиёт узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг ягона манбаи бўлиб, бунда экзоген техник тараққиёт иқтисодий ўсишнинг ички ҳаракатга келтирувчи импульслари бўлса, эндоген техник тараққиёт эса узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг ташқи ҳаракатга келтирувчи импульсларидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни. Т.: Lex.uz. 1997.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси”. Т.: Lex.uz. 1998.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. Т.: Lex.uz. 1998.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. Т.: Lex.uz. 2000.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Т.: Lex.uz. 2006.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”. Т.: Lex.uz. 2008.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

- 2.1. “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 30 март, ПФ-3047-сон.
- 2.2. “Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2002 йил 27 июн, ПФ-3099-сон.
- 2.3. “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 26 сентябр, ПФ-3321-сон.
- 2.4. “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2008 йил 28 ноябр, ПФ-4058-сон.
- 2.5. “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 15 апрел, ПҚ-57-сон.
- 2.6. “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2010 йил 24 декабр, ПҚ-1449-сон.
- 2.7. “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 30 июн, 250-сон ВМ Қарори.
- 2.8. “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 4 феврал, 63-сон ВМ Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

- 3.1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 267 б.

- 3.2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 228 б.
- 3.3. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 270 б.
- 3.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 16 б.
- 3.5. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маъруза // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январ.

IV. Асосий адабиёт

- 4.1. Алимов И.Р., Хуррамов А.Ф., Маматов А.А. Макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот. - Т.: Фан, 1999. - 89 б.
- 4.2. Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. Учебник для ВУЗов. / под ред. акад. С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2007. - 297 с.
- 4.3. Абдуллаев А.М., Гулямов С.С., Абдуллаев У.О., Ишназаров А.И. Экономико-математические методы и прикладные модели прогнозирования. Учебник для ВУЗов. / под ред. академика С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005. - 535 с.
- 4.4. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. - Москва.: ДИС, 1999. - 229 с.
- 4.5. Айвазян С.А., Мхитарян В.С. Прикладная статистика и основы эконометрики. Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 1998. - 1022 с.
- 4.6. Афанасьев В.Н., Юзбашев М.М. Анализ временных рядов и прогнозирование. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 228 с.

- 4.7. Ахтямов А.М. Математика для социологов и экономистов. Учеб. пособие. -М.: ФИЗМАТЛИТ, 2004. - 444 с.
- 4.8. Бабешко Л.О. Основы эконометрического моделирования: Учеб. пособ. 3-е, стереотипное. - М.: КомКнига, 2007. - 432 с.
- 4.9. Бальсис О.А., Засквичус В.А. Методы анализа макроэкономических структурных сдвигов. - М.: МГУ, 1988. - 62 с.
- 4.10. Берндт Э.Р. Практика эконометрики: классика и современность. Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 378 с.
- 4.11. Бурда М., Виплош Ч. Макроэкономика. Учебник - 2-е изд. / Пер. с англ. - СПб.: Судостроение, 1998. - 544 с.
- 4.12. Воркуев Б.Л. Количественные методы исследования в микро-макроэкономике. - М.: МГУ, 2007. - 436 с.
- 4.13. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономики. - М.: МГУ, 2004. - 230 с.
- 4.14. Вуколов Э.А. Основы статистического анализа. Практикум по статистическим методам и исследованию операций с использованием пакетов STATISTICA и EXCEL: Учебное пособие. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2004. - 464 с.

V. Кўшимча адабиёт

- 5.1. Қобилов А.Ў. Иқтисодий ўсиш ва жамғармани тартибга солиш жараёнларини моделлаштириш.: иқт. фан. ном. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ. 2004. - 15 б.
- 5.2. Мадрахимов У.А. Повышение эффективности факторов экономического роста в Узбекистане.: Автореф. дис...канд. экон. наук. - Т.: АН РУ. 2008. - 12 с.
- 5.3. Мухитдинов Х.С. Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ҳудудлар ижтимоий ривожланиш жараёнларини моделлаштириш.: иқт. фан. док. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ. 2009. - 22 б.
- 5.4. Пулатова Р.Х. Жамғариш самарадорлигини оширишни эконометрик моделлаштириш (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мисолида).: иқт. фан. ном. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ. 2000. - 14 б.

5.5. Якубова Ш.Ш. Пул - кредит сиёсатида қўлланиладиган инструментларни макроиктисодий моделлаштириш.: иқт. фан. ном. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ. 2010. - 13 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплам ва ҳисоботлар

6.1. Чепель С.В. Эконометрика - современный инструментарий экономического анализа // Журнал бозор, пул ва кредит. - Ташкент, 2004. - №2. - С. 62-65.

6.2. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990 - 2010 гг.) и прогноз на 2011 - 2015 гг. Статистический сборник. - Т.: O'zbekiston, 2011. - 136 с.

6.3. Йиллик статистик тўплам 2012. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2013 йил.

VII. Интернет -сайтлари

10.1. <http://www.econometrics.nes.ru/mkp/> - эконометрика бўйича электрон дарсликлар

10.2. <http://www.nes.ru/russian/outreach/workshops/econometrics.htm> - эконометрика бўйича ўқув қўлланмалар

10.3. <http://www.oup.com.uk> - эконометрик тадқиқотлар бўйича Оксфорд университети сайти

10.4. <http://www.atv-emmm.narod.ru> - эконометрик моделлаштириш бўйича Россия Федерацияси сайти

10.5. <http://www.cemi.rssi.ru> - Центральный экономико-математический институт России

10.6. <http://www.cemi.rssi.ru/emm/home.htm> - Журнал экономика и математические методы России

10.7. <http://www.forecast.ru> - Центр макроэкономического анализа и краткосрочного прогнозирования